

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ **37-38-сон**
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ **(277-278)**
ТЎПЛАМИ **2007 й.**
сентябрь

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

тўпламнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

+

—

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

376. «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 14 сентябрдаги ЎРҚ–108-сон Қонуни
377. «Қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш ҳамда ўтказишни тартибга солиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 14 сентябрдаги ЎРҚ–109-сон Қонуни
378. «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 17 сентябрдаги ЎРҚ–110-сон Қонуни
379. «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 19 сентябрдаги ЎРҚ–111-сон Қонуни

380. «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ва «Бож тарифи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 33-моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 19 сентябрдаги ЎРҚ-112-сон Қонуни

Иккинчи бўлим

381. «Пенсионерларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 17 сентябрдаги ПФ-3921-сон Фармони
382. «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 19 сентябрдаги ПФ-3923-сон Фармони

Учинчи бўлим

384. «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимида магистратура фаолиятини янада такомиллаштириш, унинг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 10 сентябрдаги 190-сон қарори
385. «Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2007 — 2010 йилларда хусусийлаштириш жараёнларини янада чуқурлаштириш ва хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 20 июлдаги ПҚ-672-сон қарори)» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 12 сентябрдаги 192-сон қарори
386. «Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодиётнинг стратегик тармоқлари корхоналарини хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2007 йил 20 июлдаги ПФ-3897-сон Фармони)» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 12 сентябрдаги 193-сон қарори
387. «Автомобилларнинг воситаларини рўйхатдан ўтказиш, қайта рўйхатдан ўтказиш ва уларнинг ҳисобини олиб бориш, миллий давлат рақами белгиларини бериш ва уларни алмаштириш қоидаларига ўзгартириш киритиш ҳақида (Вазирлар Маҳкамасининг «Автомобилларнинг воситалари учун рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларининг янги намуналарини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 27 июндаги 131-сон қарори)» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 18 сентябрдаги 196-сон қарори
388. «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Биржа ва ярмарка савдоси самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1999 йил 15 апрелдаги 174-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимча киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 19 сентябрдаги 197-сон қарори

389. «Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудидан олиб чиқиладиган товарларнинг божхона қийматини белгилаш ва декларациялаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 19 сентябрдаги 198-сон қарори
390. «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика пиллачилик тармоғини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 15 ноябрдаги ПҚ-512-сон қарори)» 2007 йил 4 январдаги 7-сон қарорига қўшимча киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 19 сентябрдаги 199-сон қарори

Бешинчи бўлим

391. «Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2004 йил 23 январдаги 3-сон «Объектлар, қувватларни ишга тушириш ва уларнинг қурилишига киритилган инвестициялардан фойдаланиш тўғрисида ҳисобот» бўйича 1-қурилиш (йиллик) ва 1-қурилиш (чораклик) давлат статистика ҳисоботи шакллари тўлдириш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақидаги қарорини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2007 йил 25 августдаги 7-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 12 сентябрда 1314-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
392. «Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2004 йил 23 январдаги 1-сон «Номолиявий активларга киритилган инвестициялар тўғрисида ҳисобот» бўйича 2-инвест (йиллик) ва 2-инвест (чораклик) давлат статистика ҳисоботи шакллари тўлдириш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақидаги қарорини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2007 йил 25 августдаги 2-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 12 сентябрда 1316-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
393. «Ўзбекистон Республикасининг фуқаро ҳаво кемаларини давлат рўйхатидан ўтказиш қоидаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2007 йил 13 августдаги 125-сон буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 12 сентябрда 1239-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
394. «Божхона юк декларациясини тўлдириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиш киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2007 йил 3 сентябрдаги 01-02/15-26-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 13 сентябрда 834-14-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
395. «Уюшган биржадан ташқари бозорда корпоратив қимматли қоғозлар олди-сотдисида доир битишувларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Давлат

мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш марказининг 2007 йил 2 августдаги 2007-07-сон буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 18 сентябрда 1384-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

396. «Давлат ва божхона ташқи савдо статистикаси маълумотларини йиғиш ва қайта ишлаш услубияти тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг 2007 йил 27 августдаги 11, 01-02/15-23, 31, ЭГ-01/10-4715-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 20 сентябрда 1717-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

397. «Давлат ва божхона ташқи савдо статистикаси маълумотларини йиғиш ва қайта ишлашнинг ягона услубияти тўғрисидаги низомни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Давлат статистика қўмитасининг 2007 йил 31 августдаги 30, ЭГ-01/10-4716, 01-02/15-22, 12-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 20 сентябрда 530-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

398. «Махсус, антидемпинг ва компенсация божларини ҳисоблаш, ундириш ва қайтариш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлигининг 2007 йил 15 июндаги 01-02/8-3, ЭГ-01/10-3339, 20, 58-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 20 сентябрда 1718-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги норматив ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2007 йил 8 сентябрдан 21 сентябргача бўлган маълумот

БИРИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ****376 «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида***

Қонунчилик палатаси томонидан
2007 йил 29 июнда қабул қилинган

Сенат томонидан 2007 йил 24 августда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 5 апрелда қабул қилинган «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги 358–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 4-5, 68-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 10, 536-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **5-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Суғурталовчилар, суғурта воситачилари, аджастерлар, актуарийлар, суғурта сюрвейерлари, шунингдек ассистанс суғурта бозорининг профессионал иштирокчиларидир»;

2) **6-модданинг матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Тегишли турдаги суғуртани амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган ва суғурта шартномасига мувофиқ суғурта товони (суғурта пули) тўловини амалга ошириш мажбуриятини оловчи тижорат ташкилоти бўлган юридик шахс суғурталовчи деб эътироф этилади.

Суғурталовчилар суғуртани амалга оширишга бевосита боғлиқ бўлмаган тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари мумкин эмас, ушбу Қонуннинг **6¹-моддасида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно**»;

3) қуйидаги мазмундаги **6¹-модда** билан тўлдирилсин:

«6¹-модда. Суғурталовчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Суғурталовчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

қонун ҳужжатларида белгиланадиган тартибда ва шартларда суғурта (қайта суғурта қилиш) шартномалари тузиш;

ўз мажбуриятларини белгиланган тартибда қайта суғурта қилиш, шу жумладан Ўзбекистон Республикасидан ташқарида қайта суғурта қилиш;

махсус ваколатли давлат органи белгилайдиган тартибда ва шартларда инвестиция фаолиятини амалга ошириш;

суғурта (қайта суғурта қилиш) соҳасидаги мутахассислар малакасини ошириш билан боғлиқ фаолиятни, шунингдек суғурта агенти сифатида суғурта воситачилигини амалга ошириш;

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2007 йил 15 сентябрда эълон қилинган.

суғурта ходисалари юз беришининг олдини олиш ва огоҳлантириш чора-тадбирларини махсус ваколатли давлат органи белгилайдиган тартибда ва шартларда молиялаштириш;

суғурталовчи томонидан амалга ошириладиган суғурта турларига доир қоидаларни (шартларни) қонун ҳужжатларига мувофиқ белгилаш;

суғурта товони миқдорини белгилаш учун зарур бўлган тегишли ахборот ва ҳужжатларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардан, судлар, тиббиёт, сейсмология, ветеринария, гидрометеорология ташкилотлари ҳамда бошқа ташкилотлардан белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

суғурта агентлари, суғурта ва қайта суғурта брокерлари, суғурта бозорининг бошқа профессионал иштирокчилари билан тегишли шартномалар тузиш;

суғурта товони тўлашни қонун ҳужжатларида ва (ёки) суғурта (қайта суғурта қилиш) шартномасида белгиланган ҳолларда ҳамда тартибда рад этиш, суғурта (қайта суғурта қилиш) шартномасини муддатидан илгари бекор қилиш;

суғурта қилдирувчи томонидан тақдим этилган ахборотни текширишни, суғурта қилдирувчининг суғурта шартномаси талаблари ва шартларини бажариши устидан назоратни суғурта (қайта суғурта қилиш) шартномасида назарда тутилган тартибда амалга ошириш;

чет эл суғурталовчиларига сюрвейер ва аджастер хизматлари кўрсатиш;

илгари суғурталовчи томонидан ўз эҳтиёжлари учун олинган ёки суғурта шартномасини амалга ошириш натижасида унинг ихтиёрига ўтган мол-мулкни реализация қилиш ёки ижарага бериш;

Ўзбекистон Республикасининг рейтинг ташкилотлари ва чет эл рейтинг ташкилотлари рейтингларини олиш;

ўзининг алоҳида бўлинмаларини ташкил этиш.

Суғурталовчи қонун ҳужжатларига ва ўзи тузган шартномаларга мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Суғурталовчи:

суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиши;

суғурта фаолиятини амалга ошириш чоғида олинган ахборотнинг махфийлигини қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ таъминлаши;

ўзи ваколат берган суғурта агентларининг реестрини юритиши;

қонун ҳужжатларида белгиланган ахборотни махсус ваколатли давлат органининг талабига биноан тақдим этиши;

суғурта ходисаси юз берган тақдирда, қонун ҳужжатларида ёки суғурта (қайта суғурта қилиш) шартномасида назарда тутилган муддатларда барча зарур ҳисоб-китобларни амалга ошириши ва суғурта товони тўлаши;

фирманинг номи, ташкилий-ҳуқуқий шакли ёки жойлашган ери ўзгарган тақдирда, бу ҳақдаги ахборотни суғурта қилдирувчиларга ушбу Қонунда белгиланган тартибда етказиши;

суғурта захираларини махсус ваколатли давлат органи белгилайдиган тартибда ва шартларда шакллантириши ҳамда жойлаштириши;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳар йили мажбурий аудиторлик текширувидан ўтиши;

махсус ваколатли давлат органи белгилаган тартибда бир йилда камида бир марта актуарийни (актуар ташкилотни) актуар хизматлар кўрсатиш учун жалб этиши;

махсус ваколатли давлат органи белгилаган шаклда, тартибда ва муддатларда йиллик молиявий ҳисоботни эълон қилиши;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бухгалтерия ҳисобини юритиши, молиявий, статистика, солиқ ҳисоботларини ва бошқа ҳисоботларни тузиши шарт.

Суғурталовчининг зиммасида қонун ҳужжатларига ва ўзи тузган шартномаларга мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин»;

4) **7-модда** қуйидаги мазмундаги **учинчи** ва **тўртинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Суғурта брокери суғурталовчининг устав фондида иштирок этишга ҳақли эмас.

Суғурта брокери ўзи билан суғурта қилдирувчи ўртасида тузилган шартнома асосида хизматлар кўрсатади»;

5) **8-модда** қуйидаги мазмундаги **иккинчи** ва **учинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Қайта суғурта брокери суғурталовчининг устав фондида иштирок этишга ҳақли эмас.

Қайта суғурта брокери ўзи билан суғурта қилдирувчи ўртасида тузилган шартнома асосида хизматлар кўрсатади»;

6) қуйидаги мазмундаги **8¹-модда** билан тўлдирилсин:

«8¹-модда. Суғурта ҳамда қайта суғурта брокерларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Суғурта ва қайта суғурта брокерлари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

суғуртанинг (қайта суғурта қилишнинг) ҳар қандай тури бўйича ваколатлар доирасида воситачилик фаолиятини амалга ошириш;

суғурта (қайта суғурта қилиш) шартномаси тузилган тақдирда, суғурталовчини (қайта суғурталовчини) танлаш;

суғурталовчидан лицензиянинг мавжудлиги, устав фондининг миқдорлари, суғурта захиралари ва қабул қилинган мажбуриятлар тўғрисида, шунингдек суғурталовчининг тўловга қобилиятлилиги ва молиявий барқарорлигига доир бошқа кўрсаткичлар ҳақида маълумотлар олиш;

эксперт ва маслаҳат хизматлари кўрсатиш.

Суғурта ва қайта суғурта брокерлари қонун ҳужжатларига ҳамда ўзлари тузган шартномаларга мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлишлари мумкин.

Суғурта ва қайта суғурта брокерлари:

суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиши;

суғурта шартномасини тузиш ва ижро этиш бўйича тўлиқ, ишончли ҳамда ҳолисона ахборотни миждозларнинг сўровларига кўра тақдим этиши;

миждознинг тижорат сирини ва бошқа сирини ташкил этадиган маълумотларни ошкор қилмаслиги шарт.

Суғурта ва қайта суғурта брокерларининг зиммасида қонун ҳужжатларига ҳамда ўзлари тузган шартномаларга мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин»;

7) **9-модданинг учинчи қисми** қуйидаги мазмундаги **учинчи — олтинчи қисмлар** билан алмаштирилсин:

«Суғурта агенти ўз фаолиятини суғурталовчилар билан тузилган топширик шартномалари (агент битимлари) асосида амалга оширади.

Суғурта агенти фақат ўзи билан топширик шартномаси (агент битими) тузган суғурталовчи реестрига киритилганидан кейин ўз фаолиятини амалга ошириши мумкин.

Қуйидагиларга:

суғурта агентининг тегишли турдаги суғуртани амалга ошириш учун лицензияга эга бўлмаган суғурталовчилар номидан суғурта шартномалари тузишига;

агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида бошқача қоидалар назарда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида суғурта бўйича суғурта агентининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида белгиланган тартибда рўйхатга олинмаган чет эл суғурта ташкилотлари номидан суғурта шартномалари тузиш билан боғлиқ бўлган воситачилик фаолиятига йўл қўйилмайди.

Суғурта агенти — жисмоний шахс ўз номига, тўловлар нақд пуллар билан амалга оширилганида эса яқин қариндошлари (отаси, онаси, хотини, эри, ўғли, қизи, опа-сингиллари ва ака-укалари) номига суғурта шартномалари бўйича ҳужжатлар ёзишга, шунингдек ўз фойдасига суғурта шартномалари тузишга ва бунда мазкур суғурта шартномаси бўйича суғурта агенти сифатида иш кўришга ҳақли эмас»;

8) қуйидаги мазмундаги **9¹—9⁹-моддалар** билан тўлдирилсин:

«9¹-модда. Суғурта агентининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Суғурта агенти қуйидаги ҳуқуқларга эга:

суғурталовчи томонидан берилган ваколатлар доирасида суғуртанинг ҳар қандай тури, шу жумладан мажбурий суғурта турлари бўйича воситачилик фаолиятини амалга ошириш;

суғуртага қабул қилинаётган суғурта таваккалчилигини баҳолашда, суғурта ҳодисаси юз берганда суғурта тўловини тўлашда ва суғурта қилдирувчининг суғурта мукофотини тўлиқ ҳажмда ҳамда суғурта шартномасида белгиланган муддатларда тўлашида зарур кўмак кўрсатиш;

суғурталовчидан лицензиянинг мавжудлиги, устав фонди микдорлари, суғурта захиралари ҳамда қабул қилинган мажбуриятлар тўғрисида, шунингдек суғурталовчининг тўловга қобилиятлилиги ва молиявий барқарорлигига доир бошқа кўрсаткичлар тўғрисида маълумотлар олиш;

суғурта шартномаси (суғурта полиси) тузиш учун зарур ҳужжатларни расмийлаштириш;

суғурта қилдирувчидан қабул қилиб олинаётган таваккалчиликлар тўғрисида суғурталовчига тўлиқроқ ахборот бериш мақсадида барча учун очиқ бўлган манбалардан таваккалчилик ва суғурта қилдирувчи тўғрисида суғурта қилдирувчининг шахсий ҳаётига аралашмаган ҳолда маълумотлар тўплаш.

Суғурта агенти қонун ҳужжатларига ва ўзи тузган шартномаларга мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Суғурта агенти:

суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиши;

суғурта шартномаси тузишда ва суғурта товони тўлашда ҳужжатларни ўз вақтида расмийлаштиришга кўмаклашиши;

суғурта тарифлари, суғурталовчилар томонидан таклиф этилаётган суғурта шартлари ҳақида, лицензиянинг мавжудлиги, устав фонди микдорлари, суғурта захиралари ҳамда қабул қилинган мажбуриятлар тўғрисида, шунингдек суғурталовчининг тўловга қобилиятлилиги ва молиявий барқарорлигига доир бошқа кўрсаткичлар ҳақида ахборотга эга бўлиши;

суғурта шартномасини расмийлаштиришда суғурта қилдирувчи тўғрисида зарур ахборотга эга бўлиши, унга суғурта таваккалчилигини пасайтириш ва суғурта ходисаси юз бериши эҳтимолини камайтиришга қаратилган аниқ тадбирларни амалга оширишни таклиф этиши;

суғурта қилдирувчиларнинг сўровига кўра уларга суғуртанинг амалдаги шартлари тўғрисида ахборот бериши;

суғурта шартномаларини белгиланган тартибда тузиши ва янги муддатга ўз вақтида қайта расмийлаштириши;

тузилган суғурта шартномалари ва олинган суғурта мукофотлари суммалари ҳисобини белгиланган шаклда юритиши;

суғурта ҳужжатларининг сақланишини таъминлаши;

мижознинг тижорат сирини ёки бошқа сирини ташкил этган маълумотларнинг махфийлигини сақлаши;

суғурта шартномасининг амал қилиш муддати мобайнида таваккалчилик шарт-шароитларининг жиддий равишда ўзгаришига тааллуқли ахборотни суғурталовчи ўз вақтида олишини, шунингдек суғурта эътирозлари юзага келганда ҳамда уларни тартибга солиш жараёнида суғурталовчи ва суғурта қилдирувчи ўртасида ахборотнинг ўз вақтида алмашилишини таъминлаши;

тегишли битим мавжуд бўлган тақдирда, суғурталовчининг топшириғига кўра ва унинг ҳисобидан суғурта тўловлари тўланишини ташкил этиши шарт.

Суғурта агентининг зиммасида қонун ҳужжатларига ва ўзи тузган шартномаларга мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

9²-модда. Аджастер

Аджастер суғурталовчининг (суғурта қилдирувчининг) топшириғи бўйича қуйидаги хизматларни кўрсатувчи, ўз штатида тегишли мутахассисларга эга бўлган юридик шахс ёки профессионал билим ва малакага эга бўлган жисмоний шахсдир:

суғурта ҳодисаси юз берганидан кейин суғурта объектини кўздан кечириш ва текшириш;

суғурта ҳодисаси фактларини ва таваккалчилик ҳолатларини таҳлил қилиш;

суғурта объектининг шикастланиш сабабларини ва суғурта ҳодисаси мавжудлигини аниқлаш;

суғурта ҳодисаси мавжуд бўлган тақдирда — суғурта ҳодисаси оқибатида вужудга келган шикастланиш даражаси ва зарар миқдорини белгилаш;

тўланиши керак бўлган суғурта товони суммасини аниқлаш;

суғурталовчи учун суғурта ҳодисаси бўйича хулоса тузиш.

Аджастер ўз фаолиятини суғурталовчи (суғурта қилдирувчи) билан тузилган шартномага мувофиқ амалга оширади.

Аджастер:

суғурталовчи сифатида суғурта ва қайта суғурта қилиш операциялари ўтказишга;

суғурта бўйича воситачилик фаолиятини амалга оширишга;

суғурталовчиларнинг устав фондларида иштирок этишга ҳақли эмас.

Аджастер хизмати кўрсатиш натижалари ҳисобот тарзида расмийлаштирилиб, ундан суғурталовчи зарарларнинг ўрнини қоплаш ва низоларни ҳал қилиш чоғида фойдаланиши мумкин.

Аджастернинг ҳисоботида кўрсатилган хулосалар мустақил суғурта экспертизаси жараёнида қайта кўриб чиқилиши мумкин.

9³-модда. Аджастернинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Аджастер қуйидаги ҳуқуқларга эга:

аджастер хизматлари кўрсатиладиган суғурталовчини (суғурта қилдирувчини) эркин танлаш;

суғурта воқеасини (суғурта ҳодисасини) ўрганиш учун суғурта қилдирувчидан (суғурталовчидан) зарур ахборотни сўраш ва олиш;

суғурта ҳодисаси юз берганидан сўнг суғурта объектини кўздан кечириш ва текшириш;

ўзи суғурта объектини сиртдан (зарур ҳолларда — техника воситаларини қўлланган ҳолда) кўздан кечирганлиги тўғрисидаги далолатномани расмийлаштириш;

фаолияти суғурта объектларига дахлдор бўлган давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларидан юридик аҳамиятга молик зарур маълумотларни белгиланган тартибда сўраш ва олиш.

Аджастер қонун ҳужжатларига ва ўзи тузган шартномаларга мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Аджастер:

суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиши;

суғурта ҳужжатларининг сақланишини таъминлаши;

мижознинг тижорат сирини ёки бошқа сирини ташкил этадиган маълумотларнинг махфийлигини сақлаши;

суғурта ҳодисасига тааллуқли маълумотларни ўз вақтида таҳлил қилиш учун чора-тадбирлар кўриши шарт.

Аджастер зиммасида қонун ҳужжатларига ва ўзи тузган шартномаларга мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

9⁴-модда. Актуарий

Актуарий қўйидагиларни ўз ичига оладиган актуар хизматлари кўрсатувчи юридик ёки жисмоний шахсдир:

суғурта воқеаси юз беришининг математик жиҳатдан эҳтимоллиги ҳисоб-китобини амалга ошириш, ҳам алоҳида таваккалчилик гуруҳларида, ҳам умуман суғурта мажмуи бўйича зарар етказилишининг тақрорийлигини ва уларнинг оқибатлари оғирлиги даражасини белгилаш;

суғурталовчининг (қайта суғурталовчининг) зарур суғурта захиралари ва фондларини математик жиҳатдан асослаш ҳамда ҳисоб-китоб қилиш, уларни шакллантириш усуллари ишлаб чиқиш;

суғурталовчининг инвестициялар сифатида тўпланган бадаллардан фойдаланишида капитал қўйилма нормаси ва нетто-ставка миқдори ўртасидаги боғлиқликни тариф ставкаларини инвестиция даромади суммасига камайтиришга қўмаклашадиган тарзда аниқлаш;

суғурта жараёнини ташкил этиш учун зарур харажатларни асослаш ва суғурта хизматлари таннархини ҳисоб-китоб қилиш;

суғуртанинг (қайта суғурта қилишнинг) ҳар бир тури бўйича тариф ставкаларини суғурталовчилар учун уларни ўтказишнинг узоқ муддатли ва қисқа муддатли хусусиятини ҳисобга олган ҳолда белгилаш;

суғурталовчининг (қайта суғурталовчининг) инвестиция фаолияти натижаларини актуар ҳисоб-китоблардан фойдаланган ҳолда баҳолаш;

суғурталовчининг (қайта суғурталовчининг) даромадларини суғуртанинг (қайта суғурта қилишнинг) ҳар хил турлари бўйича режалаштириш.

Актуарий суғурталовчи билан тузилган шартномага мувофиқ фақат актуар хизматлари кўрсатади.

Актуарий, агар у актуар ташкилот штатида турган бўлса ёки актуар ташкилот томонидан у билан фуқаролик-ҳуқуқий шартнома тузилган тақдирда, актуар хизматлари кўрсатишга жалб этилиши мумкин.

Актуарий сифатсиз актуар хизматларини кўрсатганлик, тижорат ёки бошқа сирни ошкор қилганлик ва актуар ташкилот зарар кўришига олиб келган ўзга хат-

ти-ҳаракатлар натижасида етказилган зарар учун актуар ташкилот олдида жавобгар бўлади.

Актуар хизматлари кўрсатиш учун актуарий махсус ваколатли давлат органи белгилаган тартибда актуарий малака сертификатини олиши шарт.

Юридик шахс бўлган актуарий ўз штатида актуарий малака сертификатига эга бўлган камида битта актуарийга эга бўлиши керак.

Актуарий:

суғурталовчи сифатида суғурта ва қайта суғурта қилиш операциялари ўтказишга;

суғурта бўйича воситачилик фаолиятини амалга оширишга;

суғурталовчиларнинг устав фондларида иштирок этишга ҳақли эмас.

Актуарий фаолияти натижалари ҳисобот тарзида расмийлаштирилади.

Актуарий ҳисоботида кўрсатилган хулосалар мустақил суғурта экспертизаси жараёнида қайта кўриб чиқиши мумкин.

9⁵-модда. Актуарийнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Актуарий қуйидаги ҳуқуқларга эга:

актуар хизматлари кўрсатиладиган суғурталовчини (қайта суғурталовчини) эркин танлаш;

актуар хулосасини тузиш учун зарур бўлган ахборот суғурталовчи (қайта суғурталовчи) томонидан тақдим этилмаган тақдирда, актуар хизматлари кўрсатишни рад этиш;

бошқа актуарийларни ва ўзга мутахассисларни актуар хизматлари кўрсатишда иштирок этишга белгиланган тартибда жалб этиш.

Актуарий қонун ҳужжатларига ва ўзи тузган шартномаларга мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Актуарий:

суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиши;

актуар хизматлари кўрсатиш чоғида олинган ахборотнинг махфийлигига риоя этиши;

актуар хулосасида актуар ҳисоб-китобларнинг камчилик фактларини ва уларни бартараф этишга доир таклифларни акс эттириши шарт.

Актуарий зиммасида қонун ҳужжатларига ва ўзи тузган шартномаларга мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

9⁶-модда. Суғурта сюрвейери

Суғурта сюрвейери қуйидагилар бўйича хизматлар кўрсатувчи, ўз штатида тегишли мутахассисларга эга бўлган юридик шахс ёки профессионал билим ва малакага эга бўлган жисмоний шахсдир:

суғурта шартномаси тузилгунига қадар суғурта объектини кўздан кечириш ва текшириш;

суғурта шартномаси тузилгунига қадар барча фактларни ва таваккалчилик ҳолатларини таҳлил қилиш, таваккалчилик даражасини аниқлаш;

текширилаётган суғурта объекти бўйича хулоса тузиш.

Суғурта экспертизасини ўтказишга ваколатли мутахассисларнинг (экспертларнинг) иш тартиби суғурта сюрвейери томонидан белгиланади.

Суғурта сюрвейери ўз фаолиятини суғурталовчи (суғурта қилдирувчи) билан тузилган шартномага мувофиқ амалга оширади.

Суғурта сюрвейери:

суғурталовчи сифатида суғурта ва қайта суғурта қилиш операциялари ўтказишга;

суғурта бўйича воситачилик фаолиятини амалга оширишга;

суғурталовчиларнинг устав фондларида иштирок этишга ҳақли эмас.

Суғурта сюрвейери ишининг натижалари бўйича ҳисобот тақдим этилади, суғурталовчи (суғурта қилдирувчи) бу ҳисоботдан суғурта (қайта суғурта қилиш) шартномаси тузиш чоғида фойдаланиши мумкин.

Суғурта сюрвейерининг ҳисоботида кўрсатилган хулосалар мустақил суғурта экспертизаси жараёнида қайта кўриб чиқиши мумкин.

9⁷-модда. Суғурта сюрвейерининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Суғурта сюрвейери:

хизматлар кўрсатиладиган суғурталовчини (суғурта қилдирувчини) эркин танлашга;

суғурта объектини ўрганиш учун суғурта қилдирувчидан (суғурталовчидан) зарур ахборотни сўраш ва олишга;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларидан, фаолияти суғурта объектларига дахлдор бўлган бошқа ташкилотлардан зарур маълумотларни сўраш ва олишга ҳақли.

Суғурта сюрвейери қонун ҳужжатларига ва ўзи тузган шартномаларга мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Суғурта сюрвейери:

суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиши;

суғурта экспертизаси ўтказиш учун тарафлар тақдим этган ҳужжатларнинг сақланишини таъминлаши;

мижознинг тижорат сирини ёки бошқа сирини ташкил этадиган маълумотларнинг махфийлигини сақлаши шарт.

Суғурта сюрвейери зиммасида қонун ҳужжатларига ва ўзи тузган шартномаларга мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

9⁸-модда. Ассистанс

Ассистанс суғурта қилдирувчиларга (суғурталанган шахсларга, наф олувчиларга) ҳамда суғурталовчиларга суғурта шартномаси доирасида ассистанс хизматлари, техник, тиббий ва бошқа хизматлар кўрсатувчи, шунингдек уларга молиявий кўмак берувчи юридик ёки жисмоний шахсдир.

Ассистанс ўз фаолиятини суғурталовчи билан тузилган шартномага мувофиқ амалга оширади.

Ассистанс хизматларига суғурта қилдирувчилар (суғурталанган шахслар) иштирокисиз фақат суғурталовчилар томонидан ҳақ тўланади.

Ассистанс:

суғурталовчи сифатида суғурта ва қайта суғурта қилиш операциялари ўтказишга;

суғурта бўйича воситачилик фаолиятини амалга оширишга;

суғурталовчиларнинг устав фондларида иштирок этишга ҳақли эмас.

9⁹-модда. Ассистанснинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Ассистанс қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ассистанс хизматлари кўрсатилиши бўйича суғурталовчилар билан мустақил равишда шартнома тузиш;

ассистанс хизматлари кўрсатилиши учун зарур бўлган барча ахборот суғурталовчи томонидан тақдим этилмаган тақдирда, ассистанс хизматлари кўрсатишни рад этиш;

тегишли мутахассисларни ассистанс хизматлари кўрсатишда иштирок этишга белгиланган тартибда жалб этиш.

Ассистанс қонун ҳужжатларига ва ўзи тузган шартномаларга мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Ассистанс:

суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиши;

суғурта килдирувчилардан (суғурталанган шахслардан) суғурта воқеалари (суғурта ходисалари) тўғрисидаги хабарлар кеча-кундуз қабул қилинишини ташкил этиши ва суғурта шартномаси доирасида, тақдим этилган суғурта полиси асосида суғурта килдирувчиларга (суғурталанган шахсларга) зарур ёрдам кўрсатиши;

суғурта ходисаларини кўриб чиқиш ва тартибга солиш чора-тадбирларини кўриши шарт.

Ассистанс зиммасида қонун ҳужжатларига ва ўзи тузган шартномаларга мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин»;

9) 10-модданинг иккинчи қисми:

бешинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«суғурталовчиларнинг суғурта захиралари маблағларини шакллантириш ҳамда жойлаштириш тартиби ва шартларини, шунингдек бундай маблағлар ҳисобини юритиш ҳамда улар бўйича ҳисоботлар тузиш тартибини белгилайди»;

еттинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«суғурталовчилар томонидан тақдим этиладиган молиявий ҳисоботларнинг ва эълон қилинадиган йиллик молиявий ҳисоботнинг шаклини, шунингдек уни тақдим этиш ҳамда эълон қилиш тартиби ва муддатларини белгилайди»;

қуйидаги мазмундаги **ўн биринчи — ўн тўртинчи хатбошилар** билан тўлдирилсин:

«суғурталовчиларнинг инвестиция фаолиятини амалга ошириш, шунингдек суғурта ходисалари юз беришининг олдини олиш ва огоҳлантириш чора-тадбирларини суғурталовчилар томонидан молиялаштириш тартиби ҳамда шартларини белгилайди;

актуар хизматлари кўрсатиш тартибини белгилайди;

актуарий малака сертификатини олиш учун ўқув дастурларини ҳамда малака имтиҳонлари топшириш тартибини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди, мазкур сертификатни олиш ҳуқуқи учун малака имтиҳони ўтказиши;

белгиланган тартибда актуарий малака сертификати беради, унинг амал қилишини тугатади ва уни бекор қилади, малака сертификатига эга бўлган актуарийлар реестрини юритади»;

ўн биринчи хатбошиси ўн бешинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

10) 11-модда қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«11-модда. Суғурта бозорининг профессионал иштирокчиларини тузиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш

Суғурталовчилар ва суғурта брокерлари, шунингдек суғурта бозорининг юридик шахс бўлган бошқа профессионал иштирокчилари қонунларда назарда тутилган ташкилий-ҳуқуқий шаклларда тузилади.

Суғурталовчилар ва суғурта брокерларини давлат рўйхатидан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан амалга оширилади, суғурта бозорининг бошқа профессионал иштирокчиларини давлат рўйхатидан ўтказиш эса, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади»;

11) **12-модданинг тўртинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Суғурталовчининг бошланғич устав фонди лицензия олинадиган пайтга қадар муассислар томонидан шакллантирилган бўлиши ва қонун ҳужжатларида белгиланган устав фондининг энг кам миқдоридан кам бўлмаслиги керак»;

12) **26-модда:**

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Суғурта фаолиятини амалга оширишнинг умумий шартлари, тавсия этилаётган суғурта битимлари ва операцияларининг рўйхати, суғурта тарифлари, суғурта турлари ҳамда муддатлари очиқ ахборот бўлиб, суғурта сири предмети бўлиши мумкин эмас»;

иккинчи — тўртинчи қисмлари тегишинча **учинчи — бешинчи қисмлар** деб ҳисоблансин.

2-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирди.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 14 сентябрь,
ЎРҚ-108-сон

—

+

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

377 Қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш ҳамда ўтказишни тартибга солиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2007 йил 22 августда қабул қилинган

Сенат томонидан 2007 йил 25 августда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012–ХII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда;

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2007 йил 15 сентябрда эълон қилинган.

1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, №1, 8-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, №1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, №9, 314-модда, №12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **278-модда** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«278-модда. Қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш

Қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни қонунга ҳилоф равишда ташкил этиш ёки ўтказиш, шу жумладан ана шундай ўйинлар учун қиморхоналар ташкил этиш ёки уларни сақлаш —

етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан содир этилган бўлса;

б) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб, —

етти йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Вояга етмаган шахсни қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларга жалб қилиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, —

энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд тўрт ойгача қамоқ билан жазоланади.

Қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш ёки ўтказиш учун телекоммуникация тармоқларида, шу жумладан Интернет жаҳон ахборот тармоғи провайдерлари томонидан хизматлар кўрсатиш, тегишли дастурий таъминотдан нусха кўпайтириш, уни кўпайтириш, тарқатиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, —

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан етмиш беш бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланади»;

2) **саккизинчи бўлим** қуйидаги мазмундаги атама билан тўлдирилсин:

«Қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйин — ўйин ташкилотчиси (ўйин муассасаси) томонидан бир ёки ундан ортиқ иштирокчилар билан тасодифга (воқеага) ва (ёки) ўйин иштирокчисининг қобиляти, эпчиллиги ва бошқа сифатларига боғлиқ ютуқ тўғрисида тузилган, таваккалчиликка асосланган битимга мувофиқ ўйин ташкилотчилари ва иштирокчиларининг хатти-ҳаракатлари мажмуини назарда тутувчи ўйин, шу жумладан тотализаторлар, казино, шунингдек ўйин автоматларидан фойдаланиладиган ўйин».

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда,

№ 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар) **191-моддаси** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«191-модда. Қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинлар

Қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларда қонунга ҳилоф равишда иштирок этиш —

ана шу ўйинлар буюмларини, шунингдек ўйинга тикилган ҳамда ўйиндаги ютуқ бўлган пуллар, ашёлар ва бошқа қимматбаҳо буюмларни мусодара қилиб, энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарликни маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этиш ёхуд вояга етмаган шахсни қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларда иштирок этишга жалб қилиш —

ана шу ўйинлар буюмларини, шунингдек ўйинга тикилган ҳамда ўйиндаги ютуқ бўлган пуллар, ашёлар ва бошқа қимматбаҳо буюмларни мусодара қилиб, энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш ёки ўтказиш учун телекоммуникация тармоқларида, шу жумладан Интернет жаҳон ахборот тармоғи провайдерлари томонидан хизматлар кўрсатиш ёки хизматлар кўрсатишга қўмаклашиш, тегишли дастурий таъминотдан нусха қўпайтириш, уни қўпайтириш, тарқатиш —

компьютер ва бошқа ёрдамчи воситаларни, шунингдек ўйинга тикилган ҳамда ўйиндаги ютуқ бўлган пуллар, ашёлар ва бошқа қимматбаҳо буюмларни мусодара қилиб, фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади».

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган 163–I-сонли ва 1996 йил 29 августда қабул қилинган 256–I-сонли қонунлари билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 2-сонга илова, № 11-12; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда, № 9, 494, 498-моддалар; 2007 йил, №1, 3, 5-моддалар, № 4, 156, 164-моддалар) **984-моддаси** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«984-модда. Давлат томонидан лотереялар ўтказишнинг ўзига хос хусусиятлари

Лотереялар ташкилотчиси — давлат, ваколатли давлат органидан рухсатнома (лицензия) олган шахслар ва лотереялар иштирокчилари ўртасидаги муносабатлар шартномага асосланади. Бундай шартнома лотерея билети бериш орқали расмийлаштирилади ва иштирокчи лотерея билети қийматини тўлаган пайдан эътиборан тузилган деб ҳисобланади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган шартномани тузиш тўғрисидаги таклиф лотереялар ўтказиш муддати ва ютуқни аниқлаш тартиби ҳамда унинг миқдори ҳақидаги шартларни ўз ичига олган бўлиши лозим.

Лотереялар ташкилотчиси уларни белгиланган муддатда ўтказишдан бош тортган тақдирда, лотереялар иштирокчилари уларнинг ташкилотчисидан лотереяларни қолдириш ёки уларнинг муддатини бошқа вақтга кўчириш туфайли етказилган ҳақиқий зарарнинг ўрнини қоплашни талаб қилишга ҳақли.

Лотереялар ўтказиш шартларига мувофиқ ютган деб эътироф этиладиган шахсларга лотереяларни ўтказиш шартларида назарда тутилган миқдорда, шаклда (пул ёки буюм ҳолида) ва муддатларда, агар бу шартларда муддат кўрсатилмаган бўлса, лотереялар натижалари чиқарилган пайдан эътиборан ўн кундан кечиктирмай лотереялар ташкилотчиси томонидан ютуқ тўланиши лозим.

Лотереялар ташкилотчиси ушбу модданинг тўртинчи қисмида кўрсатилган мажбуриятини бажармаган тақдирда, лотереяда ютган иштирокчи лотереялар ташкилотчисидан ютуқни тўлашни, шунингдек шартноманинг ташкилотчи томонидан бузилиши туфайли етказилган зарарларнинг ўрнини қоплашни талаб қилишга ҳақли».

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 24 апрелда қабул қилинган 396–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 4-5-сонга илова, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 5, 89-модда, № 9-10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 4-5, 74-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 5, 152-модда, № 9, 310, 311, 312, 313-моддалар, № 12, 415, 416-моддалар; 2006 йил, № 6, 259, 260-моддалар, № 10, 536-модда, № 12, 660-модда; 2007 йил, № 1, 1-модда, № 7, 322, 325-моддалар) **8-моддасининг тўртинчи қисмидаги** «тотализаторлар ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

5-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 12 майда қабул қилинган **«Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида»**ги 222–II-сонли Қарорининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 6-7, 105-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда; 2007 йил, № 7, 323-модда) **1-иловаси эллагинчи хатбошисидаги** «тотализатор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинлар» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

6-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирди.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 14 сентябрь,
ЎРҚ-109-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

**378 «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон
Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар
киритиш ҳақида***

Қонунчилик палатаси томонидан
2007 йил 29 июнда қабул қилинган

Сенат томонидан 2007 йил 24 августда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги 734–ХII-сонли Қонунига (2000 йил 26 майда қабул қилинган 78–II-сонли Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан тасдиқланган таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, № 5-6, 149-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 10, 536-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) қуйидаги мазмундаги **2¹-модда** билан тўлдирилсин:

«2¹-модда. Аудиторлик фаолиятининг асосий принциплари

Аудиторлик фаолияти мустақиллик, холислик, эркинлик, профессионал малакалилик ва махфийлик принциплари асосида амалга оширилади»;

2) **3-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Аудитор меҳнат шартномаси бўйича ёки фуқаролик-ҳуқуқий шартнома бўйича фақат битта аудиторлик ташкилоти билан ишлаши мумкин»;

3) **5-модда бешинчи қисмининг иккинчи ва учинчи хатбошилари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«аудиторлик ташкилоти устав капиталининг камида эллик бир фоизи мазкур аудиторлик ташкилотининг штатдаги бир ёки бир неча аудиториға тегишли бўлиши керак (аудиторлик ташкилоти — чет эл аудиторлик ташкилотининг филиали ёки

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2007 йил 18 сентябрда эълон қилинган.

шўъба корхонаси тузилган ҳоллар бундан мустасно). Аудитор (аудиторлар) фақат битта аудиторлик ташкилотининг муассиси (иштирокчиси, акциядори) бўлиши мумкин;

аудиторлик ташкилотининг штат бирлиги тегишли малакага эга бўлган штатдаги аудиторларнинг энг кам сонига доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга мувофиқ бўлиши керак»;

4) **6-модданинг биринчи қисми** қуйидаги мазмундаги **тўққизинчи** ва **ўнинчи хатбошилар** билан тўлдирилсин:

«аудиторлик текшируви билан қамраб олинган даврда хўжалик юритувчи субъектга профессионал хизматлар кўрсатиш, бундан бухгалтерия ҳисобини йўлга қўйиш, тиклаш, юритиш ва молиявий ҳисобот тузиш мустасно;

аудиторларнинг республика жамоат бирлашмасига аъзо бўлиб кириш»;

5) **7-модданинг биринчи қисми:**

қуйидаги мазмундаги **еттинчи — тўққизинчи хатбошилар** билан тўлдирилсин:

«ўтказилган аудиторлик текширувлари натижаларига доир аудиторлик хулосалари ва аудиторлик ҳисоботларининг нусхалари аудиторлик ташкилотида мавжуд бўлишини ҳамда уларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда сақланишини таъминлаши;

аудиторларнинг бир йилда бир марта малака ошириш курсларидан ўтишларини таъминлаши;

аудиторлик ташкилотларини мажбурий рейтинг баҳолаш учун аудиторларнинг республика жамоат бирлашмаси сўровига кўра ахборот такдим этиши»;

еттинчи хатбошиси ўнинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

6) **15-модданинг биринчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Аудиторлик текшируви назорат қилувчи ёки ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ташаббусига кўра аудиторлик ташкилоти ва ушбу органлар ўртасида тузилган шартнома асосида ўтказилади ҳамда унга мазкур шартнома асосида ҳақ тўланади»;

7) **16-модда:**

«**в» кичик бандидаги** «ушбу Қонуннинг 17-моддасида» деган сўзлар «ушбу Қонун 17-моддаси биринчи қисмининг иккинчи ва учинчи хатбошиларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Аудиторлик ташкилоти айнан бир хўжалик юритувчи субъектнинг фаолиятини кетма-кет уч йилдан ортиқ аудиторлик текширувидан ўтказишга ҳақли эмас»;

8) **21-модданинг иккинчи қисми:**

учинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«лицензия шартномасида назарда тутилган лицензия талаблари ва шартларига аудиторлик ташкилоти томонидан риоя этилишини назорат қилади ҳамда уч йилда камида бир марта мазкур масалалар юзасидан текширув ўтказиши»;

қуйидаги мазмундаги **еттинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«аудиторлик ташкилоти раҳбарини уч йилда бир марта аттестациядан ўтказиши»;

еттинчи — тўққизинчи хатбошилари тегишинча **саккизинчи — ўнинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

9) **25-модда:**

иккинчи қисми «ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган ҳол бундан мустасно» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Аудиторлик ташкилоти лицензиясининг амал қилишини тугатишга сабаб бўлган қоидабузарликларга йўл қўйган аудиторлик ташкилоти раҳбарининг, шунингдек аудиторнинг малака сертификати амал қилиши лицензиянинг амал қилишини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан эътиборан тугатилади»;

учинчи қисми тўртинчи қисм деб ҳисоблансин;

қуйидаги мазмундаги **бешинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ушбу модда биринчи қисмининг учинчи — бешинчи ва еттинчи хатбошиларида назарда тутилган асосларга кўра малака сертификатининг амал қилиши тугатилган шахс аудитор малака сертификати амал қилишини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч йил мобайнида малака сертификати олиш тўғрисидаги ариза билан такроран мурожаат қилишга ҳақли эмас»;

10) **26-моддаси** қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ушбу модда биринчи қисмининг учинчи хатбошисида назарда тутилган асосларга кўра малака сертификати бекор қилинган шахс аудитор малака сертификати бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч йил мобайнида малака сертификати олиш тўғрисидаги ариза билан такроран мурожаат қилишга ҳақли эмас».

2-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирди.

Ўзбекистон Республикасининг
Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 17 сентябрь,
ЎРҚ-110-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

379 «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2007 йил 17 апрелда қабул қилинган

Сенат томонидан 2007 йил 24 августда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 30 августда қабул қилинган «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида»ги 267–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 9-10, 178-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **1-моддадаги** «товар белгиларидан, хизмат кўрсатиш белгиларидан ва товар келиб чиққан жой номларидан фойдаланиш билан боғлиқ ҳолда юзага келади-ган» деган сўзлар «товар белгиларини, хизмат кўрсатиш белгиларини ва товар келиб чиққан жой номларини ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **7-модда иккинчи қисмининг:**

бешинчи хатбошиси «давлат реестрини (бундан буён матнда реестр деб юритилади)» деган сўзлардан кейин «шунингдек Ўзбекистон Республикасида ҳаммага маълум товар белгилари рўйхатини (бундан буён матнда Ҳаммага маълум товар белгилари рўйхати деб юритилади)» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

еттинчи хатбошиси «ҳуқуқи берилганлиги» деган сўзлардан кейин «шунингдек товар белгиси Ўзбекистон Республикасида ҳаммага маълум деб эътироф этилганлиги» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

3) **8-модда** қуйидаги мазмундаги **бешинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Илгари Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасига кўра муҳофаза қилинган товар белгисини рўйхатдан ўтказиш учун талабнома Патент идораси томонидан белгиланган тартибда берилади»;

4) **10-модда биринчи қисми 13-банди учинчи хатбошисининг ўзбек тилидаги матнидаги** «умум эътироф этилган» деган сўзлар «ҳаммага маълум деб эътироф этилган» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) **12-модда** қуйидаги мазмундаги **олтинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Товар белгисининг устуворлиги илгари Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасига кўра муҳофаза қилинган товар белгисининг устуворлиги санасига қараб белгиланиши мумкин»;

6) **13-модда:**

қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Товар белгисини рўйхатдан ўтказишга доир талабномани давлат экспертизасидан ўтказиш даврида талабнома берувчи бу талабнома юзасидан қарор қабул қилингунига қадар дастлабки талабномада санаб ўтилган товарларни талабномалар

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2007 йил 20 сентябрда эълон қилинган.

ўртасида тақсимлаш орқали дастлабки талабномани икки ёки бир неча талабномага ажратишга ҳақли»;

учинчи — бешинчи қисмлари тегишинча **тўртинчи — олтинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

бешинчи қисми қуйидаги мазмундаги **жумла** билан тўлдирилсин:

«Агар талабнома берувчи сўралаётган қўшимча материалларни ёки уларни тақдим этиш муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимосномани кўрсатилган муддатда тақдим этмаса, талабнома чақириб олинган деб ҳисобланади»;

7) 15-модда:

биринчи қисмидаги «тўққиз ой мобайнида» деган сўзлар «етти ой ичида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисми «10-моддаси» деган сўзлардан кейин «(10-моддаси биринчи қисмининг 14-банди бундан мустасно)» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

8) 18-модданинг биринчи қисмидаги «бир ой мобайнида» деган сўзлар «уч кун ичида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

9) 20-модданинг учинчи қисмидаги «бир ой давомида» деган сўзлар «ўн кун ичида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

10) 23-модда қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Товар белгисига доир гувоҳномани ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида низо келиб чиққан тақдирда, ҳуқуқий муҳофаза бериш низолашилмаётган битта товар ёки товарларнинг бир қисми учун товар белгиси алоҳида рўйхатдан ўтказилганлиги бир неча товарга нисбатан амал қилаётган товар белгиси рўйхатдан ўтказилганлигидан товар белгиси эгасининг аризасига биноан ажратиб кўрсатилади»;

11) 24-модда қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Товар белгисига доир гувоҳнома ёки товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома Апелляция кенгашининг ёки суд қарори асосида тўлиқ ёки қисман ҳақиқий эмас деб топилади»;

12) қуйидаги мазмундаги 32¹ ва 32²-моддалар билан тўлдирилсин:

«32¹-модда. Ҳаммага маълум товар белгиси

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рўйхатдан ўтказиш асосида муҳофаза қилинадиган товар белгиси, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рўйхатдан ўтказилмай ҳам муҳофаза қилинадиган товар белгиси, шунингдек товар белгиси сифатида фойдаланиладиган, лекин Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳуқуқий муҳофазага эга бўлмаган белги юридик ёки жисмоний шахснинг аризасига биноан, агар бундай товар белгиларидан ёки белгидан муттасил фойдаланилиши натижасида улар аризада кўрсатилган санадаги ҳолатга кўра мазкур шахснинг товарлари хусусида Ўзбекистон Республикасида тегишли истеъмолчилар орасида кенг маълум бўлса, Ўзбекистон Республикасида ҳаммага маълум товар белгиси деб эътироф этилиши мумкин.

Ҳаммага маълум товар белгисига ушбу Қонунда товар белгиси учун назарда тутилган ҳуқуқий муҳофаза берилади.

32²-модда. Ҳаммага маълум товар белгисини ҳуқуқий муҳофаза қилиш

Ҳаммага маълум товар белгисига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Апелляция кенгашининг қарори асосида ҳуқуқий муҳофаза берилади.

Ҳаммага маълум деб эътироф этилган товар белгиси Патент идораси томонидан Ҳаммага маълум товар белгилари рўйхатига киритилади.

Ҳаммага маълум товар белгисига тааллуқли бўлган маълумотлар улар Ҳаммага маълум товар белгилари рўйхатига киритилганидан кейин Патент идорасининг расмий ахборотномасида эълон қилинади. Эълон қилинадиган маълумотлар таркиби Патент идораси томонидан белгиланади.

Ҳаммага маълум товар белгисига гувоҳнома бериш товар белгиси Ҳаммага маълум товар белгилари рўйхатига киритилган санадан эътиборан ўн кун ичида Патент идораси томонидан амалга оширилади. Гувоҳноманинг шакли ва унда кўрсатиладиган маълумотлар таркиби Патент идораси томонидан белгиланади.

Ҳаммага маълум товар белгисининг ҳуқуқий муҳофазаси муддатсиз амал қилади».

2-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирди.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 19 сентябрь,
ЎРҚ-111-сон

+

-

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

380 Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ва «Бож тарифи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республика- си Қонунининг 33-моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар кири- тиш ҳақида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2007 йил 28 июнда қабул қилинган

Сенат томонидан 2007 йил 24 августда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 24 апрелда қабул қилинган 396–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 4-5-сонга илова, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 5, 89-модда, № 9-10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 4-5, 74-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда,

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2007 йил 20 сентябрда эълон қилинган.

№ 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 5, 152-модда, № 9, 310, 311, 312, 313-моддалар, № 12, 415, 416-моддалар; 2006 йил, № 6, 259, 260-моддалар, № 10, 536-модда, № 12, 660-модда; 2007 йил, № 1, 1-модда, № 7, 322, 325-моддалар) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **8-модда:**

иккинчи қисмидаги «тўққизинчи» деган сўз «ўнинчи» деган сўз билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **олтинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Солиқ солишнинг соддалаштирилган тартибини қўлловчи ишлаб чиқариш микрофирмалари ва кичик корхоналари ягона солиқ тўлови бўйича солиқ солинадиган базани олинган янги технологик жиҳозлар қийматига тенг миқдорда, бироқ солиқ солинадиган базанинг йигирма беш фоизидан кўп бўлмаган миқдорда беш йил мобайнида камайтиришга ҳақлидир. Мазкур солиқ имтиёзи янги технологик жиҳозлар ишга туширилган пайтдан эътиборан навбатдаги солиқ ҳисоботи даври учун қўлланилади. Янги технологик жиҳозлар олинган (импорт қилинган) пайтдан эътиборан уч йил мобайнида реализация қилинган ёки текинга берилган тақдирда, мазкур имтиёзнинг амал қилиши имтиёз қўлланилган бутун давр учун ягона солиқ тўлови тўлаш бўйича мажбуриятлар тикланган ҳолда бекор қилинади»;

олтинчи — ўн биринчи қисмлари тегишинча **еттинчи — ўн иккинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

2) **19-модданинг биринчи қисми:**

ўн саккизинчи хатбошиси «ушбу қисмнинг ўн тўққизинчи хатбошисида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

қуйидаги мазмундаги **ўн тўққизинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«мол-мулкни суғурта қилиш ва ҳаётни узоқ муддатли суғурта қилиш бўйича суғурта мукофотлари суммалари»;

ўн тўққизинчи хатбошиси йигирманчи хатбоши деб ҳисоблансин;

3) **32-модда:**

биринчи қисми:

учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«асосий ишлаб чиқаришни янги қурилиш шаклида кенгайтиришга, ишлаб чиқариш мақсадида фойдаланиладиган бинолар ва иншоотларни реконструкция қилишга, шунингдек ушбу мақсадлар учун олинган кредитларни узишга йўналтириладиган маблағлар суммасига, ҳисобот даврида амортизацияга ҳисобланган суммалардан тўлиқ фойдаланиш шарти билан, бироқ солиқ солинадиган даромаднинг (фойданинг) ўттиз фоизидан кўп бўлмаган миқдорда»;

қуйидаги мазмундаги **тўртинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори асосида коллежлар, академик лицейлар, мактаблар ва мактабгача таълим муассасалари қурилишига йўналтирилган маблағлар суммасига, бироқ солиқ солинадиган даромаднинг (фойданинг) ўттиз фоизидан кўп бўлмаган миқдорда»;

тўртинчи хатбошиси бешинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Юридик шахслар солиқ солинадиган даромадни (фойдани) ишлаб чиқаришни модернизациялашга, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга, ушбу мақсадлар учун берилган кредитларни узишга ва лизинг объекти қийматини тўлашга йўналтириладиган маблағлар суммасига, ҳисобот даврида ҳисобланган амортизация маблағларидан тўлиқ фойдаланиш шарти билан уч йил мобайнида камайтириш

хуқуқига эга. Мазкур солиқ имтиёзи янги технологик жиҳозлар ишга туширилган пайтдан эътиборан навбатдаги солиқ ҳисоботи даври учун қўлланилади. Янги технологик жиҳозлар олинган (импорт қилинган) пайтдан эътиборан уч йил мобайнида реализация қилинган ёки текинга берилган тақдирда, мазкур имтиёзнинг амал қилиши имтиёз қўлланилган бутун давр учун даромад (фойда) солиғи тўлаш бўйича мажбуриятлар тикланган ҳолда бекор қилинади»;

иккинчи қисми учинчи қисм деб ҳисоблансин;

4) **58-модда** қуйидаги мазмундаги «ю» ва «я» **бандлар** билан тўлдирилсин:

«ю) корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг мол-мулкни суғурта қилиш ва ҳаётни узоқ муддатли суғурта қилиш бўйича ўз ходимлари учун суғурта мукофотлари тўловига тўлаган суммалари;

я) фуқароларнинг иш ҳақи ва солиқ солинадиган бошқа даромадларининг мол-мулкни суғурта қилиш ва ҳаётни узоқ муддатли суғурта қилиш бўйича суғурта мукофотлари тўлови учун йўналтириладиган суммалари»;

5) **71-модда иккинчи қисмининг 6-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«6) Ўзбекистон Республикаси ҳудудига қонун ҳужжатларида белгиланадиган тартибда тасдиқланадиган рўйхат бўйича қуйидаги мақсадларда олиб кириладиган технологик жиҳозлар, шунингдек бутловчи буюмлар ва эҳтиёт қисмлар, агар уларни етказиб бериш технологик жиҳозларни етказиб бериш контракти шартларида назарда тутилган бўлса:

Ўзбекистон Республикаси номидан ёки унинг кафолати остида жалб этиладиган чет эл кредитлари ҳисобидан молиялаштириладиган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун;

чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарнинг устав капиталига чет эллик инвесторлар томонидан улуш сифатида;

янги ишлаб чиқаришларни барпо этиш, шунингдек ишлаб турган ишлаб чиқаришларни кенгайтириш, реконструкция қилиш, модернизациялаш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш учун;

лизингга топшириш учун;

чет эллик инвесторнинг инвестиция мажбуриятлари ҳисобидан хусусийлаштирилаётган корхоналар учун.

Янги технологик жиҳозлар (бутловчи буюмлар ва эҳтиёт қисмлар, агар улар технологик жиҳозларни етказиб бериш контракти шартларига мувофиқ етказиб берилган бўлса) олинган (импорт қилинган) пайтдан эътиборан уч йил мобайнида реализация қилинган ёки текинга берилган тақдирда, мазкур имтиёзнинг амал қилиши имтиёз қўлланилган бутун давр учун қўшилган қиймат солиғи тўлаш бўйича мажбуриятлар тикланган ҳолда бекор қилинади»;

6) **92-модданинг биринчи қисми** қуйидаги мазмундаги **хатбоши** билан тўлдирилсин:

«ишлаб чиқаришга янгитдан жорий этилган янги технологик жиҳозларнинг, беш йил муддатга. Янги технологик жиҳозлар олинган (импорт қилинган) пайтдан эътиборан уч йил мобайнида реализация қилинган ёки текинга берилган тақдирда, мазкур имтиёзнинг амал қилиши имтиёз қўлланилган бутун давр учун мол-мулк солиғи тўлаш бўйича мажбуриятлар тикланган ҳолда бекор қилинади».

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августда қабул қилинган «**Бож тарифи тўғрисида**»ги 470–I-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 9, 228-модда; 1998 йил, № 9,

181-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; 2007 йил, № 7, 322-модда) **33-моддасига** қуйидаги ўзгариш ва қўшимчалар киритилсин:

биринчи қисм:

ўн тўққизинчи — йигирма бешинчи хатбошилари қуйидаги мазмундаги **ўн тўққизинчи — йигирма тўртинчи хатбошилар** билан алмаштирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси ҳудудига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тасдиқланадиган рўйхат бўйича қуйидаги мақсадларда олиб кириладиган технологик жиҳозлар, шунингдек бутловчи буюмлар ва эҳтиёт қисмлар, агар уларни етказиб бериш технологик жиҳозларни етказиб бериш контракти шартларида назарда тутилган бўлса:

Ўзбекистон Республикаси номидан ёки унинг кафолати остида жалб этилган чет эл кредитлари ҳисобидан молиялаштириладиган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун;

чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарнинг устав капиталига чет эллик инвесторлар томонидан улуш сифатида;

янги ишлаб чиқаришларни барпо этиш, шунингдек ишлаб турган ишлаб чиқаришларни кенгайтириш, реконструкция қилиш, модернизациялаш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш учун;

лизингга топшириш учун;

чет эллик инвесторнинг инвестиция мажбуриятлари ҳисобидан хусусийлаштириладиган корхоналар учун»;

йигирма олтинчи хатбошиси йигирма бешинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Янги технологик жиҳозлар (бутловчи буюмлар ва эҳтиёт қисмлар, агар улар технологик жиҳозларни етказиб бериш контракти шартларига мувофиқ етказиб берилган бўлса) олинган (импорт қилинган) пайтдан эътиборан уч йил мобайнида реализация қилинган ёки текинга берилган тақдирда, ушбу модда биринчи қисмининг ўн тўққизинчи — йигирма тўртинчи хатбошиларида назарда тутилган имтиёзларнинг амал қилиши имтиёз қўлланилган бутун давр учун божхона бојини тўлаш бўйича мажбуриятлар тикланган ҳолда бекор қилинади»;

иккинчи — тўртинчи қисмлари тегишинча **учинчи — бешинчи қисмлар** деб ҳисоблансин.

3-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирadi.

Ўзбекистон Республикасининг
Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 19 сентябрь,
ЎРҚ-112-сон

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

381 **Пенсионерларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида**

Аҳоли даромадлари ва фаровонлиги даражасини муттасил ўстириб бориш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган сиёсатни амалга оширишни давом эттириш, кексалар тўғрисидаги ғамхўрликни ҳар томонлама кучайтириш, уларнинг пенсиялари миқдорини ошириш, шунингдек пенсия таъминоти тизимини изчиллик билан такомиллаштириб бориш мақсадида:

1. 2007 йилнинг 1 октябридан пенсияни ҳисоблаш учун қабул қилинадиган иш ҳақининг максимал миқдори энг кам иш ҳақи миқдорининг етти каррасидан саккиз каррасигача миқдорга оширилсин.

2. Мазкур Фармонни бажариш билан боғлиқ сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари, шунингдек, зарур ҳолларда, Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги пенсияни ҳисоблашда қабул қилинадиган иш ҳақининг максимал миқдори оширилишини ҳисобга олган ҳолда пенсияларнинг миқдорлари ўз вақтида қайтадан ҳисоблаб чиқилишини таъминласин.

4. Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунга ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартишларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига тасдиқлаш учун киритсин.

5. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 17 сентябрь,
ПФ-3921-сон

382 Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида

1998 йилда қабул қилинган соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастурининг энг муҳим қоидалари ва мақсадли вазифалари умуман муваффақиятли амалга оширилаётгани қайд этиб ўтилсин. Тиббий хизмат кўрсатиш тизими амалда тўлиқ қайта кўриб чиқилди, республикада соғлиқни сақлаш тизимини барпо этишнинг принципиал янгича ёндашувлари ишлаб чиқилди.

Аҳолига юқори малакали бепул шошилиш тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича ягона тизим яратилдики, бу тизим туман ва шаҳарларда энг юқори талаблар ва халқаро стандартларга жавоб берадиган ихтисослаштирилган вилоят шифохоналари ва 173 та бўлимлардан ҳамда тез тиббий ёрдам хизматларидан иборат бўлиб, уларнинг фаолиятига раҳбарлик қилиш ва мувофиқлаштириш ишлари Республика шошилиш тиббий ёрдам илмий маркази томонидан амалга оширилмоқда.

Жарроҳлик, кардиология, кўз микрохирургияси ва урология соҳаларида энг замонавий диагностика ва даволаш ускуналари билан жиҳозланган республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари ташкил этилди. Ушбу марказларда юқори малакали мутахассислар мураккаб, юқори технологик ноёб операцияларни амалга оширмоқдалар.

Соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғинида, айниқса, қишлоқ жойларда жиддий ўзгаришлар содир бўлди — кам самарали фельдшерлик-акушерлик пунктлари ва амбулаториялар ўрнига замонавий тиббий техника билан жиҳозланган 3,1 мингтадан кўпроқ қишлоқ врачлик пунктлари ташкил этилиб, уларда малакали умумий амалиёт шифокорлари бирламчи тиббий ёрдам кўрсатишмоқда.

Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аёллар соғлиғини мустаҳкамлаш тизимида муҳим ўзгаришлар рўй берди. Бўлғуси оналарнинг саломатлигини мунтазам назорат қилувчи ҳамда соғлом болалар туғилишига кўмаклашувчи скрининг-марказларнинг кенг тармоғи вужудга келтирилганлиги ниҳоятда муҳим аҳамиятга эгадир. Туғруқ муассасаларининг моддий-техник базаси сезиларли даражада мустаҳкамланди.

Шифокорлар ҳамда тиббиёт ходимларини моддий рағбатлантириш ва меҳнатига ҳақ тўлаш тизими тубдан ўзгартирилди — уларнинг иш ҳақи миқдорлари ва рағбатлантириш механизми бажарилаётган ишнинг мураккаблиги ва оғирлик даражасига, кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатига бевосита боғлиқ қилиб қўйилди. Ҳар бир тиббиёт муассасасида моддий рағбатлантириш ва тиббий муассасани ривожлантириш жамғармалари ташкил қилинган. Натижада кейинги икки йил ичида тиббиёт ходимларининг иш ҳақи миқдорлари 2,2 барабар кўпайди.

Республикада соғлиқни сақлаш соҳасидаги хусусий сектор изчиллик билан шакллантириб борилмоқда — 1,7 мингдан кўпроқ юридик шахсларга хусусий тиббий амалиёт билан шуғулланиш ва 2,1 минг нафардан кўпроқ жисмоний шахсларга яқка тартибдаги шифокорлик фаолиятини амалга ошириш учун лицензиялар берилди.

Тиббий кадрларни тайёрлаш тизими ислоҳ қилинмоқда — олий тиббий таълимнинг замонавий икки босқичли тизими жорий этилди, Тошкент тиббиёт академияси ташкил қилинди. Олий ўқув юртларида олий маълумотли ҳамшираларни тайёрлаш ташкил қилинганлиги принципиал янгилик ҳисобланади.

Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш борасида қабул қилинган чора-тадбирлар инсонларга тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янада ошириш, аҳоли турмушини яхшилаш имконини берди. Натижада 1990 йилдан 2006 йилгача бўлган даврда Ўзбекистонда аҳолининг ўртача умр кўриши 67 ёшдан 72,5 ёшгача, шу жумладан, эркакларнинг ўртача умр кўриши — 66 ёшдан 72 ёшгача, аёлларнинг ўртача умр кўриши эса 70 ёшдан 74,6 ёшгача узайди. Чечак, ич терлама, полиомиелит, бўғма, куйдирги, ўлат, вабо каби ва бошқа ижтимоий хавфли ҳамда юқумли касалликлар батамом тугатилди.

Шу билан бирга, соғлиқни сақлаш ва инсонлар саломатлигини муҳофаза қилиш тизимининг биринчи навбатда вилоят ва туман бўғинларида профилактика ҳамда тиббий хизмат кўрсатиш сифати даражасини ошириш билан боғлиқ кўпгина масалалар ҳамон ўз ечимини топган эмас.

Ханузгача стационар даволаш муассасалари улуши кўпчиликни ташкил этган соғлиқни сақлашни бошқаришнинг ташкилий тузилмаси бесўнақай ва самарасизлигича қолмоқда. Соғлиқни сақлаш ҳудудий бошқарув органлари тиббиёт муассасалари фаолияти устидан етарлича ташкилий-услубий раҳбарликни таъминламайптилар, юқумли касалликлар профилактикаси ва улар тарқалишининг олдини олиш бўйича тегишли санитария-эпидемиология назорати таъминланмаяпти.

Республикада нейрохирургия, кардиохирургия, онкология, гинекология ва акушерлик, ўткир ошқозон-ичак касалликлари ҳамда бошқа соҳаларда мураккаб, юқори технологик операцияларни ўтказиш бўйича алоҳида ихтисослаштирилган тиббиёт марказларини ривожлантириш ниҳоятда зарур бўлиб, уларга нисбатан талаб-эҳтиёж юқори даражада қолмоқда.

Республика ҳудуди бўйича касалликларни ўз вақтида аниқлаш, олдини олиш ва самарали даволашнинг ғоят муҳим воситаси сифатида диагностика хизматлари тармоғи ниҳоятда суст ташкил қилинган.

Скрининг-марказларининг кенг тармоғи ташкил этилганига қарамай, бўлғуси оналарнинг соғлиғи ва ҳомиладорликнинг кечиши ҳолатини назорат қилиш тизими, айниқса, қишлоқ жойларда, сифат жиҳатдан яхшиланишни тақозо этади.

Юқумли ва вирусли касалликларнинг олдини олиш, аҳолини ОИВ/ОИТСдан ишончли ҳимоя қилиш бўйича санитария-эпидемиология тизими доимий, жиддий эътиборни ва унинг фаолиятини ташкил этишни тубдан яхшилашни талаб қилади.

Малакали тиббиёт кадрларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизими янада тақомиллаштиришга муҳтождир. Тиббиёт коллежларида кадрлар тайёрлаш сифати жиддий эътирозларга сабаб бўлмоқда, ана шу коллежларни замонавий ўқув-услубий ва лаборатория ускуналари билан мустаҳкамлаш талаб этилади.

Илмий-тиббиёт мактаби анча заифлашди, илмий тадқиқотлар ҳамда уларни даволаш-диагностика амалиётига татбиқ этиш ўртасида мустаҳкам алоқа йўқ. Кўпгина республика тиббиёт муассасаларининг барпо этилган юқори технологик моддий ва илмий базасидан тиббиёт ходимларининг малакасини оширишда суст фойдаланилмоқда.

Соғлиқни сақлаш соҳасида ислохотларни янада чуқурлаштириш, замон талабларига жавоб берадиган ташкилий тузилмани шакллантириш, касалликлар тарқалишининг зарур профилактикасини таъминлаш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш самарадорлиги ва сифатини, ундан барчанинг баҳраманд бўлишини тубдан ошириш, шунингдек, тиббиёт ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини тақомиллаштириш мақсадида:

1. Қуйидагилар соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштиришнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

ягона ташкилий-услубий раҳбарликни ҳамда аҳолига кўрсатиладиган тиббий хизматлар сифати устидан назоратни таъминлайдиган соғлиқни сақлашнинг замонавий ташкилий тузилмасини шакллантириш;

замонавий диагностика ва даволаш ускуналари билан жиҳозланган, юқори малакали кадрлар салоҳияти билан таъминланган ҳамда аҳолига ихтисослаштирилган юқори технологик тиббий ёрдам кўрсатадиган республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари тармоғини янада ривожлантириш ва шундай янги марказлар ташкил қилиш;

тиббий диагностика тизимини тубдан такомиллаштириш, республика ҳудудида замонавий, халқаро стандартларга мос бўлган ускуналар билан жиҳозланган ҳамда юқори малакали мутахассислар билан таъминланган диагностика хизматлари тармоғини кенг ривожлантириш;

аҳолини вирусли ва юқумли касалликлардан ҳимоя қилиш, ОИВ/ОИТС касаллигининг олдини олиш тизими самарадорлиги ва ишончилигини, аввало, зарарланиш манбаларини профилактика қилиш ва тугатишга қаратилган чора-тадбирлар ҳисобига ошириш;

аёллар ва болалар соғлиғини сақлаш, бўлғуси оналар соғлиғи ҳолати устидан назорат қилиш тизими сифатини тубдан ошириш, скрининг-марказлар, педиатрия ва туғруқ муассасаларининг моддий-техника базасини, айниқса, қишлоқ жойларда, янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш;

тиббиёт муассасаларининг умумий амалиёт шифокорлари ва тор ихтисослашган шифокорларга нисбатан талаб-эҳтиёжларини қондиришни ҳисобга олган ҳолда кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, тиббиёт ходимларининг малакаси ва касб маҳоратини муттасил ошириб бориш учун шарт-шароитларни таъминлаш;

замонавий диагностика ва даволаш ускуналарига, юқори малакали тиббиёт ходимларига эга бўлган ҳамда аҳолига даволаш жараёнининг тасдиқланган стандартларига мувофиқ равишда сифатли, ихтисослаштирилган тиббий хизмат кўрсатадиган хусусий тиббиёт муассасаларини ривожлантиришга қўмаклашиш.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 22 январдаги Ф–2658-сонли Фармойиши билан тузилган Ишчи гуруҳининг 2007-2008 йилларда қуйидагиларни ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин:

а) ишлаб турган вилоят шифохоналари ва алоҳида ихтисослаштирилган тиббиёт муассасалари негизида даволашнинг асосий йўналишлари (режали хирургия, терапия, кардиология, урология ва бошқалар) бўйича тиббий хизматлар кўрсатувчи вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказлари;

б) ишлаб турган вилоят болалар тиббиёт муассасалари негизида болалар касалликларини даволаш учун вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказлари;

в) Нукус ва Тошкент шаҳарларида, шунингдек, ҳар бир вилоят марказида пуллик асосда фаолият юритадиган тиббий диагностика марказлари;

г) марказий туман (шаҳар) шифохоналари, тегишли ҳудудлардаги болалар ва катталар поликлиникалари негизида туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари ташкил этилиб, уларнинг зиммасига қишлоқ врачлик пунктлари ва оилавий поликлиникаларга профилактика, санитария-маърифий тадбирларни ўтказиш ҳамда соғлиқни тиклашга оид тиббий хизматлар кўрсатишда уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ва услубий ёрдам бериш вазифалари юкланади;

д) қуйидаги Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказларини ташкил этиш:

Акушерлик ва гинекология илмий-текшириш институти ҳамда даволаш базаси

ва аёлларнинг репродуктив саломатлик марказлари негизда акушерлик ва гинекология маркази;

Педиатрия илмий-текшириш институти ҳамда даволаш базаси негизда педиатрия маркази;

Терапия ва тиббий реабилитация илмий-текшириш институти ва Гастроэнтерология илмий маркази ҳамда даволаш базаси негизда терапия ва тиббий реабилитация маркази;

Республика Дерматология ва венерология илмий-текшириш институти ҳамда даволаш базаси негизда дерматология ва венерология маркази;

Фтизиатрия ва пулмонология илмий-текшириш институти ҳамда даволаш базаси негизда фтизиатрия ва пулмонология маркази;

Эндокринология илмий-текшириш институти ҳамда даволаш базаси негизда эндокринология маркази.

Юқорида кўрсатиб ўтилган Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказларини амалдаги талабларга мувофиқ шакллантириш, жиҳозлаш ҳамда молиявий таъминлаш учун масъулият Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги зиммасига юклансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат мулки қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги Республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказларининг Марказлар Кенгашлари билан биргаликда бир ой муддатда Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси ва кардиология марказлари 2007 йилда, Республика ихтисослаштирилган урология маркази 2008 йилда ҳамда Республика ихтисослаштирилган хирургия маркази 2011 йилда ўз-ўзини молиялаштириш ва ўзини-ўзи қоплаш шароитига тўлиқ ўтишининг аниқ жадвалларини тасдиқласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги «Давархитектқурилиш» қўмитаси билан биргаликда ривожланган мамлакатлар тажрибасини ўрганишни ҳисобга олган ҳолда, халқаро стандартларнинг энг юқори талаблари ва қондаларига жавоб берувчи вилоят диагностика марказларининг намунавий лойиҳаларини ишлаб чиқсин ҳамда уларни уч ой муддатда кўриб чиқиш учун ҳукуматга тақдим этсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси маъқулланган намунавий лойиҳаларга мувофиқ вилоят диагностика марказлари қурилиши ёки реконструкция қилиниши, уларни зарур диагностика жиҳозлари, малакали кадрлар ва молиялаш манбалари билан таъминлаш бўйича қарор қабул қилсин.

5. Қуйидагилар муҳим фаолият йўналишлари ҳисоблансин:

а) туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаларида — касалликлар, энг аввало юқумли ва вирусли касалликларнинг олдини олиш бўйича профилактика ишларини ўтказиш, аҳолига сифатли бирламчи амбулатория-поликлиника ёрдами кўрсатиш, бирламчи шошилиш, кечиктириб бўлмайдиган тиббий ёрдам бериш, беморларни стационарларда даволаш, шунингдек, қишлоқ врачлик пунктларига, бошқа туман(шаҳар) муассасаларига ташкилий-услубий жиҳатдан раҳбарлик қилиш;

б) вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказларида — беморларни текширувдан ўтказиш, уларга юқори малакали тиббий-маслахат ёрдами кўрсатиш, касалликларнинг асосий йўналишлари (режали хирургия, терапия, кардиология, гинекология ва бошқалар) бўйича стационарларда даволашни ташкил этиш, шунингдек, вилоят тиббиёт муассасаларида тиббий ёрдам кўрсатишнинг замонавий усуллари ва технологияларини татбиқ этишни услубий жиҳатдан таъминлаш;

в) соғлиқни сақлашни бошқариш ҳудудий органларида:

тиббий хизматлар кўрсатишда диагностика ва даволашнинг ягона стандартла-

рини жорий этиш, шунингдек, тиббиёт муассасаларининг уларга риоя этиши устидан назоратни амалга ошириш;

тегишли ҳудудларда жойлашган тиббиёт муассасалари фаолиятига ташкилий-услубий раҳбарликни амалга ошириш;

самарали санитария-эпидемиология назоратини таъминлаш, юқумли ва ўта хавфли юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олиш бўйича амалий чоралар кўриш;

ойлада тиббий маданиятни ошириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш бўйича аҳоли ўртасида профилактика ишлари ўтказилишини ташкил этиш.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда соғлиқни сақлаш муассасаларини молиялаштириш тизимини такомиллаштириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

7. 2007 йилнинг 1 октябридан аҳолига пуллик тиббий хизматлар кўрсатувчи (стоматология ва косметология хизматлари бундан мустасно) тиббиёт муассасалари товарлар (иш, хизматлар) сотиш ҳажмларидан тушадиган даромадларни бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ўтказиладиган мажбурий ажратмалар ва ягона ижтимоий тўловлардан ташқари, 5 йил муддатга барча солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлашдан озод этилсин, бўшайдиган маблағлар тиббиёт муассасаларини замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлашга мақсадли равишда йўналтирилсин.

8. 2013 йилнинг 1 январигача бўлган муддатда мулкчилик шаклидан қатъи назар, тиббиёт муассасалари (стоматология ва косметология хизматлари бундан мустасно) Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхат бўйича олиб келинадиган янги тиббий жиҳозлар учун божхона тўловлари (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) тўлашдан озод қилинсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда ушбу Фармонни амалга ошириш юзасидан ҳукумат қарорини тайёрласин.

10. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Р.С. Қосимов ва Р.С. Азимов зиммаларига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 19 сентябрь,
ПФ-3923-сон

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

384 Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимида магистратура фаолиятини янада такомиллаштириш, унинг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида

«Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талабларига мувофиқ республикада олий таълим тизимининг иккинчи босқичи сифатида магистратуранинг норматив-ҳуқуқий базаси ишлаб чиқилди, ўқув жараёнини ташкил этишнинг асослари белгиланди ва ўқув-методика комплекси, ахборот таъминотининг янги авлоди жорий этилди, илмий-педагогик кадрлар таркиби шакллантирилди.

Ўқув жараёнини, олий таълим босқичларининг узлуксизлиги ва изчиллигини таъминлайдиган норматив-методик ҳужжатлар ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.

Таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини ривожлантириш мақсадида малака амалиёти ҳамда Давлат аттестация комиссиялари фаолияти Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг замонавий техника ва технологияларга эга бўлган ишлаб чиқариш базаларида, илмий лабораторияларида, ташкилотлари ва илмий-тадқиқот институтларида ташкил этилди.

Магистрларнинг кизиқишларини ошириш ҳамда уларнинг илмий фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун мунтазам равишда илмий конференциялар ўтказилмоқда, уларга чет тиллар ўргатилмоқда, ўқув жараёнига замонавий ахборот ва педагогика технологиялари жалб этилмоқда.

Ўтган икки ўқув йили мобайнида магистратурада ўрганилаётган предметларнинг ўқув дастурлари қайта ишлаб чиқилди ва янгиланди.

Олий таълим муассасаларида магистратуранинг 20 тадан ортиқ янги мутахассисликлари очилди.

Шу билан бирга, бугунги кунда магистратура фаолиятини ташкил этиш, шунингдек кадрлар ва ахборот ресурслари базалари билан таъминлаш билан боғлиқ муаммолар мавжуд.

Чунончи, кадрлардан фойдаланувчилар (иш берувчилар)нинг аксарияти магистратурани битирувчиларга нисбатан қўйиладиган малака талаблари тўғрисида тўлиқ ва тўғри тасаввурга эга эмас. Магистратурани битирувчилардан белгиланган мақсадда фойдаланмаслик ҳоллари мавжуд.

Ўқитишнинг замонавий техник воситалари бугунги кун талабларига мувофиқ эмас, илмий ва махсус адабиётларнинг етишмаслиги сезилмоқда, фан ва технологияларнинг янги ютуқлари ўқув жараёнига тезкорлик билан жорий этилмаяпти, таълим, фан ва ишлаб чиқаришни самарали интеграциялаш тўлиқ даражада амалга оширилмаяпти, буюртмачиларнинг магистрлар тайёрлаш жараёнидаги амалий улуши мавжуд эмас.

Магистратура таълими сифатини оширишга муайян улуш қўшаётган юқори

малакали профессор-ўқитувчи кадрларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашнинг самарали методларидан тўлиқ фойдаланилмаяпти.

«Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ магистратура фаолиятини ташкил этишни тубдан такомиллаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш, мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқлари учун кадрлар тайёрлашнинг сифатини ҳамда рақобатбардошлилигини оширишни кучайтириш, юқори малакани ва маънавий-ахлоқий сифатларни шакллантириш, шунингдек магистратурада таълим-тарбия жараёнини норматив-ҳуқуқий ва илмий-методик жиҳатдан таъминлаш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 30 майдаги ПҚ-645-сон қарорини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Магистратурани ислоҳ қилиш ва янада ривожлантиришнинг мақсадли дастури 1-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилаб қўйилсинки, магистрлар тайёрлаш жараёнига энг юқори малакали ўқитувчилар ҳамда фан доктори ва фан номзоди илмий даражаларига, профессор ва доцент илмий унвонларига эга бўлган олимлар, шунингдек давлат ва жамиятни модернизация қилиш, бозор иқтисодиётини ривожлантириш, ишлаб чиқаришни ахборотлаштириш шароитларида иш тажрибасига эга бўлган амалиётчи мутахассислар жалб этилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, олий таълим муассасаларига эга бўлган вазирликлар ва идоралар, «Истеъдод» жамғармаси бир ой муддатда:

— ўқитувчилар ва ёш олимларнинг мамлакатимиз ва чет эллардаги етакчи университетларда ва илмий марказларда тажриба орттиришларини (уларнинг натижаларидан бири магистратурада ўқитиш сифатини оширишдан иборат), хорижий мутахассислар билан биргаликда магистратура дастурлари учун дарсликлар ва ўқув қўлланмалари нашр этилишини;

республиканинг олий таълим муассасаларига педагогик ишларга юборилган магистратура битирувчиларига уларнинг университетларда ва илғор технологияли илмий марказларда малака оширишлари учун зарур шарт-шароитларни, шунингдек магистратура ўқув предметлари бўйича ўқув-методик материаллар ишлаб чиқишини ҳамда ўқув жараёнига замонавий илм-фан ютуқлари жорий этилишини таъминлаш бўйича амалий чора-тадбирларнинг истиқболли дастурларини ишлаб чиқсинлар ва тасдиқласинлар.

4. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда олий таълим муассасаларига эга бўлган бошқа вазирликлар ва идоралар билан биргаликда:

магистрлар тайёрлаш билан банд бўлган педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш сифати мониторингини, шунингдек уларнинг малака даражасини баҳолашни амалга оширсин;

магистрларни ўқитиш ва тайёрлаш сифати ўрганилишини ташкил этсин ва унинг сифати назорат қилинишини таъминласин;

олий таълим муассасаларида магистратура мутахассислари рўйхатини қайта кўриб чиқсин ва ҳар йили 1 мартгача белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича давлат комиссиясига магистратурага қабул қилиш параметрлари бўйича асосланган таклифлар киритсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2008 йил 1 январдан бошлаб республика олий таълим муассасаларида олий таълим

* 1-илова берилмайди.

муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобига иш ҳақи фонди ва маъмурий-бошқарув ходимлари сони доирасида 2-иловага мувофиқ магистратура бўлимлари ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Магистратура бўлимларига кафедралар ва деканатлар билан биргаликда қуйидагилар юклансин:

магистрлар тайёрлаш бўйича ўқув жараёнини ташкил этиш ва таъминлашга, улардаги таълим ва ўқитиш сифатини назорат қилишга қўмаклашиш;

ўқув-изланиш ва илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилишини таъминлаш;

олий таълим муассасалари барча бўлинмаларининг магистрлар тайёрлаш бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш;

магистрларни ўқитиш ва уларнинг ишга жойлашиши устидан мунтазам мониторингни амалга ошириш, магистрлар тайёрлаш масалаларини мунтазам равишда таҳлил қилиш ва улар юзасидан ҳисоботлар тайёрлаш.

6. Вазирликлар, идоралар ва кадрлардан асосий фойдаланувчилар бўлган бошқа ташкилотлар магистрлар тайёрлаш жараёнида фаол қатнашсинлар ҳамда уларнинг меҳнатидан самарали фойдаланилишини таъминласинлар, магистрантларнинг амалий машғулотларда қатнашишлари, етук мутахассисларнинг магистрлик тайёргарлигига раҳбарлик қилишларига жалб этилиши, реал топшириқлар бўйича диссертациялар тайёрлашга, уларнинг таълим-касбий фаолиятини ташкил этиш учун ишлаб чиқариш салоҳиятидан фойдаланиш учун зарур шарт-шароитлар яратсинлар.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси билан биргаликда магистратура таълим жараёнини фундаментал ва амалий фанлар билан реал интеграциялаш, Фанлар академиясининг етакчи олимларини ҳамда унинг моддий-техника базасини магистрантларни ўқитиш ва улар томонидан илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш, уларнинг натижаларини амалиётга жалб этиш бўйича Ҳаракатлар дастурини ишлаб чиқсин ҳамда уни 2008 йилдан бошлаб амалга оширишга киришсин;

бир ой муддатда Магистратура тўғрисидаги Низомга ушбу қарор талабларига мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритсин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Қосимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг

Бош вазири

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2007 йил 10 сентябрь,
190-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2007 йил 10 сентябрдаги 190-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Олий таълим муассасаси магистратура бўлимининг штат
бирликлари рўйхати**

Т/р	Лавозимлар номи*	Штат бирликлари сони	Ягона тариф сеткаси бўйича разряд	Тариф коэффициенти	Лавозим маоши (сўмларда)
1.	Бўлим бошлиғи	1	9	4,797	74473
2.	Методист	1	5	3,467	53825
	Ҳаммаси:	2			

Изоҳ: * — магистрлар сони 200 кишигача бўлганда 0,5 ставка белгиланади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

385 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2007 — 2010 йилларда хусусийлаштириш жараёнларини янада чуқурлаштириш ва хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 20 июлдаги ПҚ–672-сон қарори)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2007 — 2010 йилларда хусусийлаштириш жараёнларини янада чуқурлаштириш ва хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 20 июлдаги ПҚ–672-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.
2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2007 йил 12 сентябрь,
192-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2007 йил 12 сентябрдаги 192-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 29 июндаги 245-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 6-сон, 33-модда) билан тасдиқланган Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан хорижий валютадаги тушумни мажбурий сотиш тартибининг 3-бандига қуйидаги мазмундаги «ж» кичик банди қўшилсин:

«ж) давлат активларини инвестиция мажбуриятлари қабул қилиниши шарти билан бепул беришда инвестор томонидан хорижий валютадаги пул маблағлари тарзида киритиладиган ва корхонанинг алоҳида ҳисоб рақамига ўтказиладиган инвестициялар».

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 26 августдаги 368-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 8-сон, 78-модда) билан тасдиқланган Паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор давлат корхоналарини, паст ликвидли объектларни инвестор томонидан инвестиция мажбуриятлари қабул қилиниши шарти билан инвесторларга танлов асосида бепул бериш тўғрисида низомда:

а) 2-банднинг иккинчи хатбошидаги «паст ликвидли» сўзларидан кейин «шу жумладан қурилиши тугалланмаган» сўзлари қўшилсин;

б) 6-бандда:

учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«объектни оммавий савдоларга қўйишда сотиш нархи пасайтирилиши ҳисобга олинган ҳолда таклиф этилаётган сотиш нархига инвесторлардан талаб йўқлиги»;

тўртинчи хатбошидаги «сурункали зарар кўриб ишлаши» сўзларидан олдин «ишламаётганлиги» сўзи қўшилсин;

в) 21-банддаги иккинчи хатбошидаги «паст ликвидли» сўзларидан кейин «шу жумладан қурилиши тугалланмаган» сўзлари қўшилсин;

г) 24-банднинг иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«тўлов топшириғи нусхалари, юklarнинг божхона декларациялари, солиштириш далолатномалари, бажарилган ишлар далолатномалари, топшириш-қабул қилиш далолатномалари, ўрнатиш далолатномалари, асбоб-ускуналарнинг техник ҳолати кўрсатилган ҳолда уларни ишга тушириш далолатномалари»;

д) 28-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«28. Комиссия ишлари якунлари бўйича протокол тузилади, унинг асосида Сотувчи инвесторнинг сотилган объектга бўлган мулк ҳуқуқини (ордерни) белгиланган тартибда расмийлаштиради».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**386 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодиётнинг стратегик тармоқлари корхоналарини хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2007 йил 20 июлдаги ПФ-3897-сон Фармони)**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодиётнинг стратегик тармоқлари корхоналарини хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2007 йил 20 июлдаги ПФ-3897-сон Фармонига ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат томонидан акциядорлик жамиятларини бошқаришда иштирок этиш махсус ҳуқуқи («олтин акция»)дан фойдаланиш тартиби тўғрисида» 2007 йил 24 июлдаги 151-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2007 йил 12 сентябрь,
193-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2007 йил 12 сентябрдаги 193-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Хусусийлаштирилган корхоналарни корпоратив бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 19 апрелдаги 189-сон қарорига 1-иловада (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 4-сон, 32-модда):

а) III бўлим номи қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Кузатувчи кенгаш аъзоларини сайлаш ва тайинлаш»;

б) 5-бандга қуйидаги мазмундаги иккинчи — тўртинчи хатбоши қўшилсин:

«Акциядорлик жамиятига нисбатан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хусусийлаштириладиган акциядорлик жамиятларини бошқаришда давлат иштирокининг махсус ҳуқуқи («олтин акция»)ни жорий этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда:

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.

Акциядорлик бирлашмалари ва компанияларидаги акциялар давлат улушидан самарали фойдаланилиши устидан мониторинг олиб бориш комиссияси қарори асосида кузатувчи кенгаш таркибига давлат вакили тайинланади;

илгари жамият уставида белгиланган кузатувчи кенгаш аъзолари сони унинг таркибига тайинланган давлат вакилини киритишни ҳисобга олган ҳолда қўпайтирилади»;

в) 6-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«6. Жамиятнинг Кузатувчи кенгаши аъзолари таркибига сайланган шахслар чекланмаган ҳолда қайта сайланишлари мумкин.

Кузатувчи кенгашнинг сайланган аъзосининг ваколатларини муддатидан олдин тўхтатиш акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра;

давлатнинг тайинланган вакилининг ваколатларини муддатидан олдин тўхтатиш Давлат мулки қўмитаси таклифи бўйича Акциядорлик бирлашмалари ва компанияларидаги акциялар давлат улушидан самарали фойдаланилиши устидан мониторинг олиб бориш комиссияси қарорига кўра амалга оширилади»;

г) 7-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«7. Давлат улуши устав фондининг 25 фоизидан ортиқ бўлган акциядорлик жамиятидаги давлат ишончли вакили, шунингдек давлат вакили лавозимига кўра акциядорлик жамияти Кузатувчи кенгаши аъзоси ҳисобланадилар, акциядорларнинг умумий йиғилишида сайланмайдилар (қайта сайланмайдилар).

Давлат айни бир пайтда «олтин акция»га ҳамда акциядорлик жамиятининг 25 фоиздан ортиқ бўлмаган оддий акцияларига эгалик қилган тақдирда давлат вакили «олтин акция» эгаси бўлган давлат ваколатларини амалга ошириш билан бир қаторда давлат активларининг ишончли бошқарувчиси ваколатларини ҳам бажаради»;

д) 12 ва 18-бандларга «сайланган» сўзидан кейин «(тайинланган)» сўзи қўшилсин;

е) 20-бандга қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши қўшилсин:

«Кузатувчи кенгашнинг акциядорлик жамиятларини бошқаришда давлат иштирокининг махсус ҳуқуқи («олтин акция»)дан фойдаланаётган давлат вакили иштирокисиз қабул қилинган қарорлари, шунингдек давлатнинг ушбу вакили томонидан «вето» қўйилган қарорлари ижро этилмайди»;

ж) 26-бандга қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши қўшилсин:

«Кузатувчи кенгашнинг ёхуд акциядорлар умумий йиғилишининг акциядорлик жамиятларини бошқаришда давлат иштирокининг махсус ҳуқуқи («олтин акция»)дан фойдаланаётган давлат вакили томонидан «вето» қўйилган қарорлари ижро этилмайди».

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Акциядорлик бирлашмалари ва компанияларидаги акциялар давлат улушидан самарали фойдаланилиши устидан мониторинг олиб бориш комиссияси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2004 йил 25 июндаги 295-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 6-сон, 61-модда):

а) 2-бандда:

олтинчи хатбошига «бошқарувчи компанияларнинг» сўзларидан кейин «акциядорлик жамиятларини бошқаришда давлат иштирокининг махсус ҳуқуқи («олтин акция»)дан фойдаланаётган давлат вакилларининг» сўзлари қўшилсин;

қуйидаги мазмундаги еттинчи хатбоши қўшилсин:

«акциядорлик жамиятларини бошқаришда давлат иштирокининг махсус ҳуқуқи («олтин акция»)дан фойдаланаётган давлат вакилларини тайинлаш ва озод қилиш»;

б) 2-иловада:

5-бандда:

олтинчи хатбошига «бошқарувчи компанияларнинг» сўзларидан кейин «акциядорлик жамиятларини бошқаришда давлат иштирокининг махсус ҳуқуқи («олтин акция»)дан фойдаланаётган давлат вакилларининг» сўзлари қўшилсин;

қуйидаги мазмундаги еттинчи хатбоши қўшилсин:

«акциядорлик жамиятларини бошқаришда давлат иштирокининг махсус ҳуқуқи («олтин акция»)дан фойдаланаётган давлат вакилларини тайинлаш ва озод қилиш»;

6-бандда:

иккинчи хатбошига «давлатнинг ишончли вакилларини» сўзларидан кейин «давлат улуши профессионал бошқарувчи компанияларга берилгунгача бўлган муддатга» сўзлари қўшилсин;

қуйидаги мазмундаги учинчи хатбоши қўшилсин:

«акциядорлик жамиятларини бошқаришда давлат иштирокининг махсус ҳуқуқи («олтин акция»)дан фойдаланаётган давлат вакилларини тайинлаш ва озод қилиш»;

учинчи — саккизинчи хатбоши тегишли равишда тўртинчи — тўққизинчи хатбоши ҳисоблансин;

7-банднинг учинчи хатбошига «давлатнинг ишончли вакилларини» сўзларидан кейин «шунингдек акциядорлик жамиятларини бошқаришда давлат иштирокининг махсус ҳуқуқи («олтин акция»)дан фойдаланаётган давлат вакилларини» сўзлари қўшилсин;

8-банднинг иккинчи хатбошига, 11-банднинг иккинчи — тўртинчи хатбошига «давлатнинг ишончли вакилларини» сўзларидан кейин «шунингдек акциядорлик жамиятларини бошқаришда давлат иштирокининг махсус ҳуқуқи («олтин акция»)дан фойдаланаётган давлат вакилларини» сўзлари қўшилсин;

12-бандда:

тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«давлатнинг ишончли вакиллари, бошқарувчи компаниялар ҳамда акциядорлик жамиятларини бошқаришда давлат иштирокининг махсус ҳуқуқи («олтин акция»)дан фойдаланаётган давлат вакиллари томонидан тақдим этиладиган ҳисоботлар (ахборотлар)ни йиғиш, тартибга келтириш ва ишлаш»;

бешинчи хатбошига «давлатнинг ишончли вакилларининг» сўзларидан кейин «шунингдек акциядорлик жамиятларини бошқаришда давлат иштирокининг махсус ҳуқуқи («олтин акция»)дан фойдаланаётган давлат вакилларининг» сўзлари қўшилсин;

еттинчи хатбошига «бошқарувчи компаниялар» сўзларидан кейин «шунингдек акциядорлик жамиятларини бошқаришда давлат иштирокининг махсус ҳуқуқи («олтин акция»)дан фойдаланаётган давлат вакиллари» сўзлари қўшилсин;

саккизинчи хатбошига «ҳисоботлари» сўзидан кейин «шунингдек акциядорлик жамиятларини бошқаришда давлат иштирокининг махсус ҳуқуқи («олтин акция»)дан фойдаланаётган давлат вакилларининг ўз ваколатларини амалга ошириш бўйича ҳисоботлари» сўзлари қўшилсин.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI BAZIRLAR MAᖘKAMACININᖘ
ҚАРОРИ

387 Автомототранспорт воситаларини рўйхатдан ўтказиш, қайта рўйхатдан ўтказиш ва уларнинг ҳисобини олиб бориш, миллий давлат рақами белгиларини бериш ва уларни алмаштириш қоидаларига ўзгартириш киритиш ҳақида (Вазирлар Маҳкамасининг «Автомототранспорт воситалари учун рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларининг янги намуналарини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 27 июндаги 131-сон қарори)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Автомототранспорт воситалари учун рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларининг янги намуналарини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 27 июндаги 131-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 26 майдаги 256-сон қарори билан тасдиқланган Автомототранспорт воситаларини рўйхатдан ўтказиш, қайта рўйхатдан ўтказиш ва уларнинг ҳисобини олиб бориш, миллий давлат рақами белгиларини бериш ва уларни алмаштириш қоидалари V бўлимининг 7-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«7. Яроқсиз ҳолга келиб қолган, шикастланган ёки бузилган давлат рақами белгилари таъмирланмайди. Яроқсиз ҳолга келиб қолган, шикастланган ёки бузилган, шунингдек йўқолган давлат рақами белгилари ва қайд этиш гувоҳномалари ўрнига янгилари транспорт воситаси эгасининг аризасига асосан тегишли тўловлар ундирилгандан ва рақамли агрегатлар текширилгандан сўнг берилади. Йўқолган қайд этиш гувоҳномаси (техпаспорт) ўрнига янгиси ҳисоб карточкасидаги маълумотлар асосида тўлдирилади ҳамда гувоҳноманинг «Алоҳида белгилар» бўлимига «Такрорий» деган белги қўйилади.

Яроқсиз ҳолга келиб қолган, шикастланган ёки бузилган давлат рақами белгилари ўрнига транспорт воситаси эгасининг аризасига асосан уларнинг дубликати берилиши мумкин. Дубликатлар Йўл ҳаракати хавфсизлиги давлат хизмати ҳудудий органларининг буюртманомаси асосида тайёрланади. Дубликат олингунгача бўлган даврга йиғим ундирилмасдан илгари фойдаланилган яроқли давлат рақами белгилари берилади».

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2007 йил 18 сентябрь,
196-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**388** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
«Биржа ва ярмарка савдоси самарадорлигини ошириш
чора-тадбирлари тўғрисида» 1999 йил 15 апрелдаги 174-сон
қарорига ўзгартириш ва қўшимча киритиш ҳақида

Савдонинг замонавий шакллари янада ривожлантириш, биржа ва ярмарка савдосини рағбатлантириш, маҳсулотларни четга чиқаришни тартибга солиш ва товарлар экспортдан валюта тушумларини қўпайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 15 апрелдаги 174-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 4-сон, 19-модда) билан тасдиқланган Товар-хом ашё биржаси орқали юридик ва жисмоний шахслар томонидан экспортга фақат эркин алмаштириладиган валютага сотиладиган товарлар рўйхатига қуйидаги мазмундаги 1-позиция қўшилсин:

1.	Молларнинг (балиқдан ташқари) бутун ёки бўлакланган, янги, совутилган, музлатилган, тузланган, тузли сувга солинган, қурилган ёки дудланган ичаклари, қопчалари ва ошқозонлари	050400000
----	--	-----------

1 — 54-позициялар тегишли равишда 2 — 55-позициялар деб ҳисоблансин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2007 йил 19 сентябрь,
197-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**389 Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудидан олиб чиқиладиган товарларнинг божхона қийматини белгилаш ва декларациялаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

«Бож тарифи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 16-моддасига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудидан олиб чиқиладиган товарларнинг божхона қийматини белгилаш ва декларациялаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин ва 2007 йил 1 октябрдан бошлаб амалга киририлсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитаси Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда ўз норматив ҳужжатларини ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2007 йил 19 сентябрь,
198-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2007 йил 19 сентябрдаги 198-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудидан олиб
чиқиладиган товарларнинг божхона қийматини белгилаш
ва декларациялаш тартиби тўғрисида
НИЗОМ****I. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудидан олиб чиқиладиган товарларнинг (кейинги ўринларда олиб чиқиладиган товарлар деб юритилади) божхона қийматини белгилаш ва декларациялаш тартибини белгилайди ва қуйидагилар:

декларантлар томонидан (ишлаб чиқариш ёки тадбиркорлик фаолияти учун мўлжалланмаган товарларни олиб чиқувчи жисмоний шахслар бундан мустасно) белгиланган тартибда — божхона қийматини белгилашда ва божхонанинг юк декларациясида кўрсатишда, божхона тўловларини тўлашда;

божхона органлари томонидан — декларант томонидан кўрсатилган божхона

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.

қийматини назорат қилишда ва божхона статистикасини юритишда мажбурий тартибда қўлланади.

2. Товарни экспортга сотишда товарнинг («ДАФ — Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси» (DAF — «delivered at frontier») шартларига келтирилган қиймати олиб чиқиладиган товарнинг божхона қиймати ҳисобланади.

3. Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудидан олиб чиқиладиган товарларнинг божхона қиймати:

божхона тўловларини ҳисоблаш ва божхона статистикасини юритиш учун белгиланади;

валюта тушумининг бир қисмини мажбурий сотиш миқдорини ҳисоблаш учун қўлланмайди.

4. Товарни Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудидан олиб чиқиш жойи (пункти) дейилганда қуйидагилар тушунилади:

а) авиация воситасидаги ташишлар учун — Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги жўнатиш аэропорти ёки сўнгги аэропорт, у ерда товарни ташиётган самолёт қўнади ва самолётга товарни сўнгги юклаш амалга оширилади;

б) дарё орқали ташишлар учун — Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги товар юкланадиган сўнгги порт ёки товарни ташиш порти, агар товарни қайта юклаш факти ушбу портнинг божхона органи томонидан тасдиқланган бўлса;

в) темир йўл орқали ташишлар учун — Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги сўнгги станция ёки «Ўзбекистон темир йўллари» компаниясининг хизмат кўрсатиш зонасига қирадиган қўшни давлатнинг биринчи станцияси;

г) товарларни бошқа транспорт турлари воситасида ташишлар учун — товарни ташиш йўли бўйлаб Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидаги ўтказиш пункти жойлашган жой;

д) почта орқали етказиб бериладиган товарлар учун — халқаро почта айирбошлаш жойи;

е) қувурлар орқали ташиладиган товарлар (нефть, газ ва бошқалар) ҳамда электр энергияси учун — Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидаги тегишли ҳисоблагичлар жойлашган жой.

II. Олиб чиқиладиган товарларнинг божхона қийматини белгилаш тартиби

5. Олиб чиқиладиган товарнинг божхона қиймати товарни экспортга сотишда товар Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали ўтказиладиган вақтда олиб чиқиладиган товар учун амалда тўланган ёки тўланиши керак бўлган нархдан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Олиб чиқиладиган товарларнинг божхона қийматини белгилашда олиб чиқиладиган товар учун амалда тўланган ёки тўланиши керак бўлган нархга қуйидаги харажатлар қўшилади, агар улар кўрсатилган нархга киритилмаган бўлса:

а) товарни Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудидан олиб чиқиб кетиладиган жойигача (пунктгача) етказиб бериш бўйича харажатлар:

ташиш қиймати;

юклаш, тушириш, қайта юклаш ва ортиш-тушириш харажатлари;

суғурта тўлови;

сертификатлаш ва экспертизадан ўтказиш бўйича хизматлар қиймати;

б) сотувчи томонидан қилинган харажатлар:

воситачилик ва брокерлик тўловлари;

контейнерлар ва (ёки) бошқа кўп марталаб ишлатиладиган таралар қиймати, агар уларга товар номенклатурасига мувофиқ баҳоланаётган товар билан бир бутун сифатида қаралса;

жойлаш қиймати, шу жумладан жойлаш материаллари ва жойлаш ишлари қиймати;

в) олиб чиқиладиган товарларни ишлаб чиқариш ва/ёки экспортга сотиш учун сотиб олувчи бевосита ёки билвосита сотувчига бепул ёки пасайтирилган нарх бўйича кўрсатадиган хизматлар ва етказиб берадиган товарлар қийматининг тегишли қисми:

хом ашё, материаллар, деталлар, ярим тайёр фабрикалар ҳамда олиб чиқиладиган товарнинг таркибий қисми ҳисобланадиган бошқа бутловчи қисмлар;

инструментлар, штамплар, шакллар ҳамда олиб чиқиладиган товарларни ишлаб чиқаришда фойдаланилган бошқа шу каби предметлар;

олиб чиқиладиган товарларни ишлаб чиқаришда сарфланган ёрдамчи материаллар;

муҳандислик ишланмалари, тажриба-конструкторлик ишлари, дизайн, бадий жиҳозлаш, олиб чиқиладиган товарларни ишлаб чиқариш учун бевосита зарур бўлган эскизлар ва чизмалар;

г) сотиб олувчи олиб чиқиладиган товарларни харид қилиш шартлари сифатида бевосита ёки билвосита амалга оширилиши керак бўладиган интеллектуал мулк объектларидан фойдаланганлик учун тўлаши керак бўлган лицензия тўловлари ва бошқа тўловлар;

д) олиб чиқиладиган товарни кейинчалик бирон-бир тарзда қайта сотиш, тасарруф этиш ёки улардан фойдаланишдан олинган, товар Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудидан олиб чиқилгандан кейин сотувчига бевосита ёки билвосита тегишли бўладиган тушумларнинг исталган қисми қиймати.

6. Ушбу Низомнинг 5-бандида кўрсатилган харажатларни божхона қийматига киритиш қўйидаги ҳолларда амалга оширилади, агар улар:

а) ҳақиқатда мавжуд бўлса ёки бўлиши мумкин бўлса;

б) ҳолисона ва миқдор жиҳатидан белгиланадиган маълумотлар асосида ҳужжатлар билан тасдиқланган бўлса;

в) контрактда назарда тутилган товар қийматига киритилмаган бўлса.

Агар ушбу харажатларнинг миқдорини белгилаш ва ҳужжатлар асосида тасдиқлаш мумкин бўлмаса божхона қиймати олиб чиқиладиган товарларнинг олди-сотди қиймати асосида аниқланиши мумкин эмас.

7. Агар шартномада белгилаб қўйилган нархлар мавжуд бўлмаса ва фақат товарнинг узил-кесил нархини белгилаш шартлари акс эттирилган бўлса (масалан, тегишли санадаги биржа котировокаларини ҳисобга олган ҳолда; нархларни ва шу кабиларни ҳисоблаш формуласи бўйича) ёхуд агар шартнома шартларига мувофиқ узил-кесил нарх сотиб олувчи томонидан уни миқдори ва сифати бўйича қабул қилиб олиш натижаларига кўра аниқланса божхона қиймати қўйидаги тартибда белгилади ва декларация қилинади:

а) олиб чиқиладиган товарларни божхонада расмийлаштириш вақтинчалик (шартли) баҳолашни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади;

б) декларант ўзидаги вақтинчалик (шартли) баҳонинг ҳолисоналигини тасдиқлайдиган маълумотлар ва ҳужжатларни тақдим этишга ҳақлидир.

Божхона қийматини вақтинчалик (шартли) баҳолаш учун база сифатида ёхуд: шартнома (контракт)да қайд этилган бошланғич (тахминий) нарх;

шартнома (контракт)да белгиланган ҳисоблаш шартларига мувофиқ товар юклаб жўнатишган санада белгиланган ҳисоблаш нархи қабул қилинади.

Ушбу банднинг тўртинчи — олтинчи хатбошида кўрсатилган ҳисоблашларни амалга ошириш мумкин бўлмаган тақдирда божхона қийматини вақтинчалик (шартли) баҳолаш божхона органи ихтиёрида мавжуд бўлган тегишли баҳолаш ахбороти асосида амалга оширилиши мумкин.

Божхона органи декларантнинг ёзма аризаси бўйича, кўриб чиқиладиган олди-сотди шартларидан ва божхона қонун ҳужжатлари талабларидан келиб чиққан ҳолда, декларант томонидан кўрсатилган божхона қийматини тасдиқлайдиган ва/ёки аниқлаштирадиган зарур ҳужжатларни декларант тақдим этадиган муддатни белгилайди. Божхона органининг божхона расмийлаштиришини амалга оширадиган мансабдор шахси томонидан божхона юк декларациясига тегишли ёзувлар ва қайдлар белгиланган тартибда киритилади. Декларант томонидан кўрсатилган божхона қийматини аниқлаштириш ва/ёки тасдиқлаш учун зарур бўлган барча ҳужжатлар белгиланган муддатда тақдим этилгандан кейин унга тузатишлар киритиш ва ушбу Низомнинг IV бўлимига мувофиқ божхона тўловларини қайта ҳисоблаш амалга оширилади.

8. Божхона қиймати қуйидаги ҳолларда олиб чиқиладиган товарнинг олди-сотди қиймати асосида белгиланиши мумкин эмас, агар:

баҳоланаётган товарга сотиб олувчининг ҳуқуқларига нисбатан чеклашлар (қонун ҳужжатларида белгиланган чеклашлар бундан мустасно) ва товарнинг нархига сезиларли таъсир кўрсатмайдиган чеклашлар мавжуд бўлса;

сотиш ва олди-сотди нархи таъсирини ҳисобга олиш мумкин бўлмаган шартларга риоя этишга боғлиқ бўлса;

товарнинг божхона қийматини кўрсатишда декларант томонидан фойдаланилган маълумотлар ҳужжатлар билан тасдиқланмаган бўлса ёхуд ишончли бўлмаса;

олди-сотди қатнашчилари бир-бирига ўзаро боғлиқ шахслар бўлса, уларнинг бир-бирига ўзаро боғлиқлиги олди-сотди нархига таъсир қилмайдиган ҳоллар (бу декларант томонидан исботланган бўлиши керак) бундан мустасно.

9. Олиб чиқиладиган товарларга нисбатан олди-сотди битишуви (товарларни ижара шартномаси бўйича етказиб бериш, бепул ва воситачилик етказиб беришлари ва шу кабилар) мавжуд бўлмаганда, шунингдек олиб чиқиладиган товарларнинг олди-сотди нархидан фойдаланиш мумкин бўлмаганда божхона қийматини аниқлаш учун қуйидагилар асос ҳисобланади:

ёхуд декларант томонидан тақдим этилган сотувчи-экспорт қилувчининг бухгалтерия ҳисобидаги олиб чиқиладиган товарни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларини ҳамда айнан ёки шунга ўхшаш товарлар Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудидан олиб чиқиладиганда экспортчи томонидан олинadиган фойда миқдорини акс эттирувчи маълумотлар. Бунда ушбу Низомнинг 5-бандида санаб ўтилган харажатлар ҳисобга олиниши керак;

ёхуд олиб чиқиладиган айнан ёки шунга ўхшаш товарларни қилиш ва балансдан чиқариш тўғрисидаги бухгалтерия маълумотлари. Айнан ёки шунга ўхшаш товарларни белгилашда «Бож тарифи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 19 ва 20-моддаларига амал қилиниши лозим.

10. Декларант томонидан кўрсатилган божхона қийматининг тўғрилигини тасдиқлайдиган маълумотлар мавжуд бўлмаганда ёхуд декларант томонидан тақдим этилган маълумотлар ишончли ва/ёки етарли эмас деб ҳисоблашга асос мавжуд бўлганда божхона органи божхона қийматини ушбу Низомнинг 11 ва 12-бандларига мувофиқ белгилайди. Бунда божхона органи декларантнинг ёзма сўрови бўйича уч иш куни мобайнида унга улар бўйича декларант томонидан кўрсатилган божхона

қийматининг божхона органи томонидан қабул қилинмаганлиги сабабларининг ёзма равишдаги изоҳини тақдим этиши шарт.

11. Божхона қийматини белгилаш учун божхона органи ўз ихтиёрида мавжуд бўлган ёки декларант томонидан тақдим этилган:

олиб чиқиладиган айнан ёки шунга ўхшаш товарлар билан ташқи савдо шартномалари нархлари тўғрисидаги;

олиб чиқиладиган айнан ёки шунга ўхшаш товарлар қиймати (таннархи) калькуляцияси тўғрисидаги;

айнан ёки шунга ўхшаш товарлар учун нархларнинг биржа котировкалари тўғрисидаги;

тегишли минтақавий бозорлардаги ушбу товарларнинг нархлари тўғрисидаги;

олиб чиқиладиган товарларнинг белгиланган тартибда амалга оширилган товарқиймат экспертизаси маълумотлари бўйича ахборотлардан фойдаланиши мумкин.

12. Божхона қийматини белгилашда божхона органи:

а) баҳоланаётган ҳамда айнан ва/ёки ана шундай товарларни, шу жумладан қуйидаги:

импорт мамлакати ёки жуғрофий минтақаси;

олиб чиқиладиган товарлар миқдори;

сотишнинг тижорат шартлари, шу жумладан бозор конъюнктураси (асосан хом ашё товарларни экспорт қилишда) параметрлари бўйича имкони борица қиёслашни таъминлаши;

б) сотиб олувчининг барча харажатларини ушбу Низомнинг 5-бандида кўрсатилган харажатларни божхона қийматига киритиш нуқтаи назаридан ҳисобга олиши;

в) амалдаги норматив ҳужжатларга мувофиқ божхона юк декларациясига божхона қийматининг божхона органлари томонидан белгиланганлиги тўғрисида тегишли ёзувни киритиши;

г) декларант томонидан кўрсатилган божхона қийматига ушбу Низомнинг IV бўлимида белгиланган тартибга мувофиқ тузатишлар киритиши зарур.

13. Қайта экспорт қилинаётган товарнинг (илгари олиб келинган товарни Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудидан олиб чиқиш) божхона қиймати товарни Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига олиб кириш вақтидаги унинг божхона қиймати ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қилинган қуйидаги харажатлар сифатида белгиланади:

божхонада расмийлаштириш учун божхона йиғимлари;

товарнинг қайта экспорт қилиниши муносабати билан қайтарилиши керак бўлган тўловларни чегирган ҳолдаги божхона тўловлари;

товарни сақлаш, ташиш ва суғурта қилиш учун тўловлар;

бошқа харажатлар.

III. Олиб чиқиладиган товарларнинг божхона қийматини декларациялаш тартиби

14. Божхона қиймати декларант томонидан божхона қиймати декларацияси (БҚД) шакллари қўллаган ҳолда божхона юк декларациясида кўрсатилади (декларацияланади).

Кўрсатилган божхона қийматига нисбатан асосланган шубҳалар пайдо бўлган тақдирда божхона органи декларантдан божхона қиймати асослашларини ва ҳисоб-

китобларини тақдим этишни талаб қилишга ҳақлидир. Ушбу мақсадлар учун божхона қиймати декларацияси шакллари (БҚД-1, БҚД-2) дан фойдаланиш мумкин.

15. Кўрсатилган божхона қийматини тасдиқлаш учун декларант божхона органига ишончли, миқдори жиҳатидан аниқланган ва ҳужжатлар билан тасдиқланган ахборотлардан иборат бўлган маълумотларни тақдим этиши шарт.

Кўрсатилган божхона қийматини тасдиқлаш учун декларант томонидан тақдим этилган барча ҳужжатлар:

зарур тарзда расмийлаштирилган бўлиши;

уларни тўлдиришнинг тегишли қоидалари (йўриқномалари)да назарда тутилган барча зарур реквизитлар ва маълумотлар мавжуд бўлиши;

алоҳида етказиб бериш ва/ёки умуман шартнома (контракт) бўйича тўловлар ва ҳисоб-китобларни идентификациялашни таъминлаши;

ташкilotнинг раҳбари, бош бухгалтери имзолари ва муҳри ёхуд юридик шахс бўлмасдан ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширувчи шахснинг (бухгалтерия ҳужжатларига нисбатан) имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

16. Божхона қийматини кўрсатишда декларант томонидан тақдим этиладиган ва унинг томонидан тижорат сири ёки махфий деб белгиланадиган ахборотдан божхона органи томонидан фақат божхона мақсадлари учун фойдаланилади ва декларантнинг рухсатисиз уларнинг учинчи шахсларга берилиши мумкин эмас, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

Тижорат сири ёки махфий ҳисобланадиган ахборотни ошкор қилганлик учун божхона органи ва унинг мансабдор шахслари Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

17. Божхона қиймати тўғрисидаги кўрсатилган маълумотларни тасдиқлаш учун декларант божхона юк декларацияси билан бир вақтда божхона органига ташқи савдо шартномаси (контракт)ни ёки унга мувофиқ товарларни Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш амалга ошириладиган бошқа ҳужжатни, товар юк хатини, тўлов-ҳисоб китоб (счёт-фактура) ҳужжатларини ҳамда декларант томонидан божхона қийматининг тўғрилигини тасдиқлаш имконини берадиган бошқа ҳужжатлар тақдим этилиши шарт.

18. Олиб чиқилладиган товарларнинг божхона қийматини белгилашда ва кўрсатишда декларант ва божхона органининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари «Бож тарифи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 13 ва 14-моддалари қоидаларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексига мувофиқ белгиланади.

IV. Божхона қийматига тузатишлар киритиш

19. Декларант томонидан кўрсатилган божхона қийматига қуйидаги ҳолларда:

а) божхона қийматини назорат қилиш жараёнида кўрсатилган божхона қиймати миқдорига таъсир қиладиган техник хатолар топилганда;

б) божхона қиймати тўғрисида кўрсатилган маълумотларнинг уни тасдиқлаш учун тақдим этилган ҳужжатларга мувофиқ эмаслиги аниқланганда;

в) божхона органи томонидан белгиланган муддатда товарлар олиб чиқилгандан кейин декларант томонидан тақдим этилган ҳужжатлар асосида, шу жумладан: ваколатли банкнинг амалда тушган валюта маблағлари суммаси тўғрисидаги ёзма тасдиғи;

товарни топшириш-қабул қилиш далолатномалари;

шартнома (контракт) шартларига мувофиқ товарни сотиш вақтидаги мазкур

товар учун нархларнинг биржа котировкалари ва шу кабилар асосида вақтинчалик (шартли) баҳо аниқланганда (ушбу Низомнинг 7-банди);

г) божхона қиймати божхона органлари томонидан ушбу Низомнинг 10-бандига мувофиқ белгиланганда тузатишлар киритилиши мумкин.

20. Божхона қийматига тузатишлар киритиш амалдаги тартибга мувофиқ божхона қийматига ва божхона тўловларига тузатишлар киритиш шакллари мажбурий равишда тўлдирган ҳолда амалга оширилади.

Божхона қийматига тузатишлар киритишда божхона органининг мансабдор шахси томонидан божхона юк декларациясига тегишли белгилар қўйилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

390 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика пиллачилик тармоғини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 15 ноябрдаги ПҚ–512-сон қарори)» 2007 йил 4 январдаги 7-сон қарорига қўшимча киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекенгилсаноат» давлат-акциядорлик компанияси ҳузурида Тўқимачилик маҳсулотлари рекламси ва маркетинги агентлигини ташкил этиш тўғрисида» 2007 йил 13 августдаги 171-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика пиллачилик тармоғини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 15 ноябрдаги ПҚ–512-сон қарори)» 2007 йил 4 январдаги 7-сон қарорига 3-илованинг «Инфратузилма корхоналари» блокига «Тўқимачилик маҳсулотлари рекламси ва маркетинги агентлиги» устунни қўшилсин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2007 йил 19 сентябрь,
199-сон

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СТАТИСТИКА ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

391 Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2004 йил 23 январдаги 3-сон «Объектлар, қувватларни ишга тушириш ва уларнинг қурилишига киритилган инвестициялардан фойдаланиш тўғрисида ҳисобот» бўйича 1-қурилиш (йиллик) ва 1-қурилиш (чораклик) давлат статистика ҳисоботи шакллари тўлдириш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарорини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил
12 сентябрда 1314-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2007 йил 22 сентябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат статистикаси тўғрисида»ги Қонунининг 6-моддасига асосан ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 8 январдаги 8-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси тўғрисидаги низомга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2004 йил 23 январдаги 3-сон «Объектлар, қувватларни ишга тушириш ва уларнинг қурилишига киритилган инвестициялардан фойдаланиш тўғрисида ҳисобот» бўйича 1-қурилиш (йиллик) ва 1-қурилиш (чораклик) давлат статистика ҳисоботи шакллари тўлдириш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (2004 йил 17 февраль, рўйхат рақами 1314 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 7-сон, 92-модда) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилгандан сўнг ўн кун ўтгач кучга киради.

**Давлат статистика
қўмитаси раиси**

Ғ. ҚУДРАТОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 25 август,
7-сон

Келишилди:

*Давлат архитектура ва
қурилиш қўмитаси раиси*

А. ТОХТАЕВ

*Тошкент ш.,
2007 йил 27 август*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СТАТИСТИКА ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

392 Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2004 йил 23 январдаги 1-сон «Номолиявий активларга киритилган инвестициялар тўғрисида ҳисобот» бўйича 2-инвест (йиллик) ва 2-инвест (чораклик) давлат статистика ҳисоботи шакллари тўлдириш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарорини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил
12 сентябрда 1316-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2007 йил 22 сентябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат статистикаси тўғрисида»ги Қонунининг 6-моддасига асосан ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 8 январдаги 8-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси тўғрисидаги низомга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2004 йил 23 январдаги 1-сон «Номолиявий активларга киритилган инвестициялар тўғрисида ҳисобот» бўйича 2-инвест (йиллик) ва 2-инвест (чораклик) давлат статистика ҳисоботи шакллари тўлдириш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (2004 йил 24 февраль, рўйхат рақами 1316 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 8-сон, 101-модда) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилгандан сўнг ўн кун ўтгач кучга киради.

**Давлат статистика
қўмитаси раиси**

Ғ. ҚУДРАТОВ

*Тошкент ш.,
2007 йил 25 август,
2-сон*

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.

Келишилди:

*Давлат архитектура ва
қурилиш қўмитаси раиси*

А. ТОХТАЕВ

*Тошкент ш.,
2007 йил 27 август*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПАРВОЗЛАР ХАВФСИЗЛИГИНИ
НАЗОРАТ ҚИЛИШ ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИ БОШЛИГИНИНГ
БҲЙРУҒИ

393 Ўзбекистон Республикасининг фуқаро ҳаво кемалари
рини давлат рўйхатидан ўтказиш қоидаларига ўзгартиш
ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил
12 сентябрда 1239-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2007 йил 22 сентябрдан қучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг фуқаро ҳаво кемаларини давлат рўйхатидан ўтказиш қоидаларини янада такомиллаштириш ва уларни Халқаро фуқаро авиацияси ташкилоти (ИКАО) талабларига мувофиқлаштириш мақсадида **буюраман**:

1. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлигининг 2003 йил 4 апрелдаги 44-сон буйруғи билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг фуқаро ҳаво кемаларини давлат рўйхатидан ўтказиш қоидаларига (2003 йил 29 апрель, рўйхат рақами 1239) иловага* мувофиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган кундан ўн кун ўтгач амалга киритилсин.

**Парвозлар хавфсизлигини назорат
қилиш давлат инспекцияси бошлиғи**

Ҳ. ТРОБОВ

*Тошкент ш.,
2007 йил 13 август,
125-сон*

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ**394 Божхона юк декларациясини тўлдириш тартиби
тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиш киритиш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил
13 сентябрда 834-14-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2007 йил 23 сентябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 90-моддаси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 1998 й., № 2, 36-модда), Ўзбекистон Республикаси «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 6-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**

1. Божхона юк декларациясини тўлдириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага (1999 йил 3 ноябрь, рўйхат рақами 834 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 1999 йил, 12-сон) иловага* мувофиқ ўзгартиш киритилсин.
2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб ўн кун муддат ўтгач амалга киритилсин.
3. Ушбу қарор ижроси устидан назорат Давлат божхона қўмитаси раиси ўринбосари Д. Расулов зиммасига юклатилсин.

**Давлат божхона
қўмитаси раиси**

С. НОСИРОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 3 сентябрь,
01-02/15-26-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИ
ХУЗУРИДАГИ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ ФАОЛИЯТИНИ
МУВОФИҚЛАШТИРИШ ВА НАЗОРАТ ҚИЛИШ МАРКАЗИ
БОШ ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУҒИ

395 Уюшган биржадан ташқари бозорда корпоратив қим-
матли қоғозлар олди-сотдисига доир битишувларни
амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва
қўшимчалар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил
18 сентябрда 1384-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2007 йил 28 сентябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 30 мартдаги 126-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси хузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази тўғрисидаги низомга асосан **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси хузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази томонидан 2004 йил 10 июнда тасдиқланган «Уюшган биржадан ташқари бозорда корпоратив қимматли қоғозлар олди-сотдисига доир битишувларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга (2004 йил 16 июль, рўйхат рақами 1384) иловага* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Ушбу буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини
мувофиқлаштириш ва назорат қилиш
маркази бош директори**

К. ТОЛИПОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 2 август,
2007-07-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СТАТИСТИКА ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР,
ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА САВДО ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

396 Давлат ва божхона ташқи савдо статистикаси маълумотларини йиғиш ва қайта ишлаш услубияти тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил
20 сентябрда 1717-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2007 йил 30 сентябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат статистикаси тўғрисида» ва «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги қонунларига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 31 мартдаги 137-сонли «Ўзбекистон Республикасида ташқи савдо фаолиятини эркинлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан Давлат статистика қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги ва Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги **қарор қилади:**

1. Давлат ва божхона ташқи савдо статистикаси маълумотларини йиғиш ва қайта ишлаш услубияти тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб 10 кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Давлат статистика
қўмитаси раиси**

Тошкент ш.,
2007 йил 27 август,
11-сон

Ғ. ҚУДРАТОВ

**Давлат божхона
қўмитаси раиси**

Тошкент ш.,
2007 йил 27 август,
01-02/15-23-сон

С. НОСИРОВ

Иқтисодиёт вазири

Тошкент ш.,
2007 йил 27 август,
31-сон

Б. ХЎЖАЕВ

**Ташқи иқтисодий алоқалар,
инвестициялар ва савдо вазири****Э. ҒАНИЕВ**

Тошкент ш.,
2007 йил 27 август,
ЭГ-01/10-4715-сон

Давлат статистика қўмитаси, Давлат
божхона қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги
ва Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестиция-
лар ва савдо вазирлигининг 2007 йил
27 августдаги 11, 01-02/15-23, 31 ва
ЭГ-01/10-4715-сон қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН

**Давлат ва божхона ташқи савдо статистикаси
маълумотларини йиғиш ва қайта ишлаш услубияти тўғрисида
НИЗОМ**

1. Ушбу Низом тўлов балансининг услубиятига мувофиқ, ташқи савдода маҳсулотлар ва хизматлар ҳисобининг тўлиқ акс этирилишини таъминлаш мақсадида, давлат ва божхона ташқи савдо статистикаси маълумотларини йиғиш ва қайта ишлашнинг услубиятини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ва Давлат божхона қўмитаси ўртасидаги маълумотлар алмашинуви тартибини аниқлаб беради.

2. Маҳсулотлар ташқи савдоси бўйича статистик маълумотларни йиғиш ва қайта ишлаш ҳамда улар бўйича маълумотлар базасини шакллантириш Давлат божхона қўмитаси томонидан божхона декларациялари маълумотлари асосида амалга оширилади.

3. Божхона декларациясида ва божхона статистикаси томонидан ҳисобга олинмайдиган, эгалик ҳуқуқи резидентдан норезидентга ўтган ёки аксинча бўлган маҳсулотлар экспорт-импорти ҳажми тўғрисидаги маълумотларни йиғиш ва қайта ишлаш Давлат статистика қўмитаси томонидан махсус статистик кузатувлар тармоғи орқали амалга оширилади.

4. Хизматлар экспорт-импорти ҳисобга олиш Давлат статистика қўмитаси томонидан давлат статистика ҳисоботи ва махсус кузатувлар асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий фуқаролар томонидан ёдгорликлар, совғалар ва шахсий эҳтиёжлар учун сотиб олинган бошқа ашёларга қилинган харажатлар «Ўзбектуризм» МК томонидан ўтказиладиган махсус кузатувлар маълумотлари асосида хизматлар экспортида акс этади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида норезидентларнинг ўзларининг доимий муассасалари орқали амалга оширадиган, тугалланиши учун бир йилдан ошiq вақт талаб қиладиган қурилиш, фойдали қазилмаларни излаш ва қидирув соҳаларидаги хизматлар ҳажми хизматлар импортида акс этмайди ва улар ички ишлаб чиқариш сифатида қаралади.

5. Давлат божхона қўмитаси ҳисобот давридан кейинги ҳар ойнинг 7-санасига-ча тезкор, 15-санасида эса Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо божхона статистикасининг меъёрий ҳужжатларини ҳисобга олган ҳолда, товарлар ташқи савдоси маълумотлари базаси бўйича аниқлаштирилган маълумотларни (Ташқи иқтисодий

фаолият маҳсулотлар номенклатурасининг 9 та белгиси бўйича) жисмоний шахслар тўғрисидаги маълумотларни ажратган ҳолда Давлат статистика қўмитасига тақдим этади. Тақдим этилаётган маълумотлар ўсиб бориш тартибида шакллантирилади.

6. Давлат божхона қўмитаси зарур ҳолларда Давлат статистика қўмитасига республика тўлов балансининг шаклланиши учун керак бўлган божхона декларацияларининг алоҳида ҳолатлари бўйича маълумотларни тақдим этади.

7. Давлат статистика қўмитаси ҳар ойда Давлат божхона қўмитасига ҳар ойнинг 1-санаси ҳолатига юридик манзилларини кўрсатган ҳолда Корхона ва ташкилотларнинг ягона давлат регистрдан маълумотларни тақдим этади.

8. Давлат божхона қўмитаси ҳар чоракда товарлар ташқи савдоси бўйича божхона ахборотномасини нашр этади.

9. Ташқи савдо бўйича якуний жамланма маълумотларни шакллантириш, уларни нашр қилиш ва фойдаланувчиларга зарур кесимларда тақдим этиш Давлат статистика қўмитаси томонидан ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

10. Мазкур Низом «Ўзбектуризм» Миллий компанияси билан келишилган.

*«Ўзбектуризм» Миллий
компанияси раиси*

З. ҲАКИМОВ

*Тошкент ш.,
2007 йил 20 август*

+

—

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР,
ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА САВДО ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СТАТИСТИКА ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

397 Давлат ва божхона ташқи савдо статистикаси маълумотларини йиғиш ва қайта ишлашнинг ягона услубияти тўғрисидаги низомни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил
20 сентябрда 530-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2007 йил 30 сентябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат статистикаси тўғрисида» ва «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги қонунларига асосан Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси ва Давлат статистика қўмитаси **қарор қилади:**

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.

1. Макроиктисодиёт ва статистика вазирлигининг 1998 йил 5 августдаги 14-12-05/65, Давлат божхона қўмитасининг 1998 йил 7 августдаги 34-01/07-2493, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигининг 1998 йил 6 августдаги ДСП-01/204548-сон қарорлари билан тасдиқланган ва 1998 йил 22 сентябрда Ўздавстандарт билан келишилган «Давлат ва божхона ташқи савдо статистикаси маълумотларини йиғиш ва қайта ишлашнинг ягона услубияти тўғрисида»ги низом (1998 йил 11 ноябрь, рўйхат рақами 530) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси ва Давлат статистика қўмитасининг «Давлат ва божхона ташқи савдо статистикаси маълумотларини йиғиш ва қайта ишлаш услубияти тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида» ги 2007 йил 31 июлдаги 27, ЭГ-01/10-4290, 01-02/15-17, 9-сон қарори бекор қилинсин.

3. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб 10 кун ўтгандан кейин кучга киради.

Иқтисодиёт вазири**Б. ХЎЖАЕВ**

Тошкент ш.,
2007 йил 31 август,
30-сон

**Ташқи иқтисодий алоқалар,
инвестициялар ва савдо вазири****Э. ҒАНИЕВ**

Тошкент ш.,
2007 йил 31 август,
ЭГ-01/10-4716-сон

**Давлат божхона
қўмитаси раиси****С. НОСИРОВ**

Тошкент ш.,
2007 йил 31 август,
01-02/15-22-сон

**Давлат статистика
қўмитаси раиси****Ғ. ҚУДРАТОВ**

Тошкент ш.,
2007 йил 31 август,
12-сон

Келишилди:**«Ўзстандарт» агентлиги
бош директори****Р. БЎРИЕВ**

Тошкент ш.,
2007 йил 31 август

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР,
ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА САВДО ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

**398 Махсус, антидемпинг ва компенсация божларини
ҳисоблаш, ундириш ва қайтариш тартиби тўғрисида-
ги низомни тасдиқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил
20 сентябрда 1718-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2007 йил 30 сентябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Божхона хизмати тўғрисида»ги, «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги ва «Муҳофаза чоралари, антидемпинг ва компенсация божлари тўғрисида»ги қонунлари (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, № 1-2, 4-модда), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 19 майдаги «Муҳофаза чоралари, антидемпинг ва компенсация божлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 129-сонли қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил, 21-сон, 149-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги **қарор қилади:**

1. Илова қилинаётган махсус, антидемпинг ва компенсация божларини ҳисоблаш, ундириш ва қайтариш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқлансин.
2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

**Давлат божхона
қўмитаси раиси**

Тошкент ш.,
2007 йил 15 июнь,
01-02/8-3-сон

С. НОСИРОВ

**Ташқи иқтисодий алоқалар,
инвестициялар ва савдо вазири**

Тошкент ш.,
2007 йил 15 июнь,
ЭГ-01/10-3339-сон

Э. ҒАНИЕВ

Иқтисодиёт вазири

Тошкент ш.,
2007 йил 15 июнь,
20-сон

Б. ХЎЖАЕВ

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.

Молия вазирлиги**Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,
2007 йил 15 июнь,
58-сон

Давлат божхона қўмитаси, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлигининг 2007 йил 15 июндаги 01-02/8-3, ЭГ-01/10-3339, 20, 58-сон қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН

**Махсус, антидемпинг ва компенсация божларини ҳисоблаш,
ундириш ва қайтариш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Муҳофаза чоралари, антидемпинг ва компенсация божлари тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Муҳофаза чоралари, антидемпинг ва компенсация божлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2005 йил 19 майдаги 129-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил, 21-сон, 149-модда) мувофиқ махсус, антидемпинг ва компенсация божларини (бундан кейин алоҳида божхона божлари деб юритилади) ҳисоблаш, ундириш ва қайтариш тартибини белгилайди.

І. Умумий қоидалар

1. Алоҳида божхона божлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг махсус, антидемпинг ва компенсация божларини қўллаш тўғрисидаги қарорлари асосида божхона органлари томонидан ундирилади.

Алоҳида ҳолларда, ваколатли органнинг текшируви тугаллангунга ва у томонидан алоҳида божхона божларининг қўлланилиши мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги хулосаси тақдим этилгунга қадар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси вақтинчалик алоҳида божхона божларини қўллаш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

Вақтинчалик алоҳида божхона божлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг алоҳида божхона божларини қўллаш тўғрисидаги якуний қарори қабул қилингунга қадар қўлланилади.

2. Алоҳида божхона божлари (вақтинчалик алоҳида божхона божлари) ставкалари ва қўллаш муддатлари, зарур ҳолларда эса қайтариш шартлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Муҳофаза чоралари, антидемпинг ва компенсация божлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2005 йил 19 майдаги 129-сон қарорига мувофиқ ваколатли орган томонидан ўтказилган текширувлар натижаларига кўра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

3. Алоҳида божхона божларини (вақтинчалик алоҳида божхона божлари) ҳисоблаш ва ундириш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қароридан кўрсатилган кундан эътиборан бошланади.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.

4. Алоҳида божхона божларининг миқдорини белгилашда адвалор, хос ва аралаш ставкалар қўлланилиши мумкин.

5. Алоҳида божхона божларини (вақтинчалик алоҳида божхона божларини) ҳисоблаш учун асос бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

адвалор ставкалар ва аралаш ставкаларнинг адвалор қисми учун қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланган бож ундириладиган товарнинг божхона қиймати;

Ўзбекистон Республикаси ТИФ ТНга мувофиқ бож ундириладиган товарнинг тегишли ўлчов бирлиги — хос ставкалар ва аралаш ставкаларнинг хос қисми учун.

6. Алоҳида божхона божлари (вақтинчалик алоҳида божхона божлари) импорт товарлари учун белгиланган божхона тўловлари билан бир қаторда ундирилади ва солиққа тортиладиган сумма миқдорига қўшилмайди.

7. Алоҳида божхона божлари (вақтинчалик алоҳида божхона божлари) импорт қилинган товарлар бўйича адвалор ставкаларда қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$Абс = Бқ \times АБ/100\%, \text{ бунда:}$$

Абс — алоҳида божхона божлари (вақтинчалик алоҳида божхона божлари) суммаси;

Бқ — импорт қилинаётган товарнинг божхона қиймати;

АБ — ўтказилган текширув натижаларига ёки дастлабки хулосага кўра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган алоҳида божхона божларининг тегишли ставкаси.

8. Агар алоҳида божхона божлари (вақтинчалик алоҳида божхона божлари) ҳар қандай мамлакат товарларига нисбатан қўлланилса, улар ушбу товарларнинг келиб чиқиш мамлакатидан қатъи назар, белгиланган миқдорда ундирилади.

9. Агар алоҳида божхона божлари (вақтинчалик алоҳида божхона божлари) бирор-бир алоҳида мамлакатнинг товарларига нисбатан қўлланилса, кўрсатилган мамлакатнинг товарлари билан бир қаторда, товарнинг келиб чиқиш мамлакати номаълум бўлган товарлардан ҳам белгиланган миқдорда ундирилади.

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ, алоҳида божхона божлари жорий қилинган товарга нисбатан унинг келиб чиқиш мамлакатини аниқлаш мақсадида, божхона органлари товарнинг келиб чиқиш мамлакатини тасдиқловчи сертификатнинг тақдим этилишини талаб қилишга ҳақли. Товарнинг келиб чиқиш мамлакатини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлмаган ҳолда ҳам, алоҳида божхона божлари ундирилади.

10. Келиб чиқиш мамлакати номаълум бўлган товарларга тўланган алоҳида божхона божлари суммаси, импортёр томонидан божхона расмийлаштируви амалга оширилган кундан бошлаб бир йилдан кечиктирмасдан товарнинг келиб чиқиши тўғрисидаги сертификат тақдим этилган тақдирда (товарларига алоҳида божхона божлари жорий қилинган мамлакатлар бундан мустасно), «Ортиқча тўланган ёки ундирилган божхона тўловларини қайтариш тўғрисидаги йўриқнома»га (2000 йил 14 июль, рўйхат рақами 947, — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2000 йил, 13-сон) (бундан кейин Йўриқнома деб юритилади) мувофиқ қайтарилади.

II. Махсус божларни қўллаш тартиби

11. Махсус божлар зарур миқдорда ва муддатларда товарлар импортининг ўси-

ши натижасида иқтисодиёт тармоғига етказилган жиддий зарарни ёки жиддий зарар етказилиши хавфи туғилишини бартараф этиш учун қўлланилади.

12. Махсус божлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра, агар текшириш натижасида ваколатли орган томонидан Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига импорт қилиниши ортиб кетган ҳажмда (мутлақ ифодада ёки Ўзбекистон Республикасида унинг ишлаб чиқарилишига нисбатан) ва иқтисодиёт тармоғига зарар етказаётган ёки жиддий зарар етказиш хавфини туғдирадиган шароитларда амалга оширилаётганлиги аниқланган бўлса қўлланилади.

13. Амал қилиш муддатлари:

вақтинчалик махсус божлар учун — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўрсатилган кундан эътиборан икки юз календарь кун;

махсус божлар учун — тўрт йилгача (вақтинчалик махсус божларнинг амал қилиш муддати қўшган ҳолда). Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан, махсус божларнинг амал қилиш муддати узайтирилиши мумкин, аммо бунда унинг амал қилишининг умумий муддати саккиз йилдан ошмаслиги лозим.

14. Агар махсус божлар вақтинчалик махсус божлардан кўп миқдорда қўлланилган бўлса, орадаги фарқи тўловчидан ундирилмайди.

15. Қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда, ваколатли органнинг илтимосномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси махсус божлар миқдорини камайтириши мумкин.

16. Агар махсус божлар вақтинчалик махсус божлардан кам миқдорда қўлланилган бўлса, орадаги фарқи тўловчига Йўриқномага асосан қайтариб берилади.

17. Агар текшириш натижаларига кўра ваколатли орган томонидан товар импорти кўпайганлиги оқибатида иқтисодиёт тармоғига жиддий зарар етказилмаганлиги ёки жиддий зарар етказилиши хавфи йўқлиги аниқланган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра, вақтинчалик божни ундириш тўхтатилади, олдин тўланган вақтинчалик махсус божлар суммалари эса Йўриқномага асосан тўловчига қайтариб берилади.

III. Антидемпинг божларини қўллаш тартиби

18. Антидемпинг божлари божхона ҳудудига экспорт нархи нормал қийматидан паст бўлган товарларни импорт қилиш ҳолларида, агар бундай импорт иқтисодиёт тармоғига жиддий зарар етказаётган ёки жиддий зарар етказиш хавфини туғдираётган бўлса қўлланилади.

19. Антидемпинг божлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан, агар ваколатли органнинг текшируви натижаларига кўра демпинг нархлар бўйича товарлар импорти иқтисодиёт тармоғига жиддий зарар етказаётганлиги ёки жиддий зарар етказиш хавфини туғдираётганлиги аниқланганда қўлланилади.

20. Антидемпинг божлари бир ёки бир нечта товар етказиб берувчиларга нисбатан қўлланилиши мумкин.

21. Антидемпинг божлари турлари:

а) индивидуал — ҳар бир маълум чет эл экспортёри ёки чет эл товар ишлаб чиқарувчисига нисбатан қўлланилади;

б) ягона — барча маълум чет эл экспортёрлари ёки чет эл товар ишлаб чиқарувчиларига нисбатан қўлланилади.

22. Амал қилиш муддатлари:

вақтинчалик антидемпинг божлари учун — олти ойгача, кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тўққиз ойгача бўлган муддатга узайтирилиши мумкин;

антидемпинг божлари учун — беш йилгача (вақтинчалик антидемпинг божларининг амал қилиш муддати қўшилган ҳолда), кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан узайтирилиши мумкин.

23. Агар антидемпинг божлари вақтинчалик антидемпинг божларидан кўп миқдорда қўлланилган бўлса, орадаги фарқ тўловчидан ундирилмайди.

24. Агар антидемпинг божлари вақтинчалик антидемпинг божларидан кам миқдорда қўлланилган бўлса, орадаги фарқ Йўриқномага асосан тўловчига қайтарилади.

25. Агар ваколатли органнинг текширув натижаларига кўра демпинг нархлар бўйича товарлар импорти оқибатида иқтисодиёт тармоғига жиддий зарар етказилмаганлиги ёки жиддий зарар етказиш хавфи йўқлиги аниқланган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан вақтинчалик антидемпинг божларининг ундирилиши тўхтатилади, илгари тўланган суммалар Йўриқномага асосан тўловчига қайтарилади.

IV. Компенсация божларини қўллаш тартиби

26. Компенсация божлари Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига ишлаб чиқариш, экспорт қилиш ёки ташишда бевосита ёки билвосита чет давлатларнинг субсидияларидан фойдаланилган товарларни олиб кириш ҳолларида, агар бундай импорт иқтисодиёт тармоғига жиддий зарар етказадиган ёки жиддий зарар етказиш хавфини туғдирадиган бўлса қўлланилади.

27. Компенсация божлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан, агар ваколатли органнинг текшируви натижаларига кўра субсидия қилинган товарларнинг импорти иқтисодиёт тармоғига жиддий зарар етказаётганлиги ёки жиддий зарар етказиш хавфини туғдираётганлиги аниқланган бўлса қўлланилади.

28. Битта товарга нисбатан бир вақтнинг ўзида компенсация ва антидемпинг божларини қўлланилишига йўл қўйилмайди.

29. Амал қилиш муддатлари:

вақтинчалик компенсация божлари учун — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорида кўрсатилган кундан эътиборан тўрт ойгача;

компенсация божлари учун — қўлланиш бошланган ёки субсидия билан таъминланган товарлар импорти ва жиддий зарарнинг ёки жиддий зарар етказиш хавфининг бор-йўқлигини аниқлаш юзасидан текшириш натижаларини охириги марта қайта кўриб чиқиш бошланган пайтдан эътиборан беш йилдан (вақтинчалик компенсация божларининг амал қилиш муддатини қўшган ҳолда) ошмаслиги лозим.

30. Агар компенсация божлари вақтинчалик компенсация божларидан кўп миқдорда белгиланган бўлса, орадаги фарқ тўловчидан ундирилмайди.

31. Компенсация божларининг ставкаси субсидия миқдоридан кам бўлиши мумкин, агар бундай кам ставка иқтисодиёт тармоғига етказилган зарарни бартараф этиш учун етарли бўлса.

32. Агар компенсация божлари вақтинчалик компенсация божларидан кам миқдорда қўлланилган бўлса, орадаги фарқ Йўриқномага асосан тўловчига қайтарилади.

33. Агар ваколатли органнинг текширув натижаларига кўра субсидия билан

таъминланган товар импорти оқибатида иқтисодиёт тармоғига жиддий зарар етказилмаганлиги ёки жиддий зарар етказиш хавфи йўқлиги аниқланган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан вақтинчалик компенсация божларининг ундирилиши тўхтатилади, илгари тўланган суммалар Йўриқномага асосан тўловчига қайтарилади.

V. Алоҳида божхона божларининг ҳисоби

34. Алоҳида божхона божларининг тўловчиси бўлиб декларантлар — юридик ва жисмоний шахслар ҳисобланади. Ҳар қандай манфаатдор шахс тўловчининг ўрнига алоҳида божхона божларини тўлашга ҳақли.

35. Алоҳида божхона божларини ҳисоблаш ва тўлаш импорт товарларини божхона расмийлаштируви вақтида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Божхона юк декларациясининг 47-графаси, «Тур» устунда «Божхона юк декларациясини тўлдириш тартиби тўғрисидаги йўриқнома» (1999 йил ноябрь, рўйхат рақами 834 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 1999 йил, 12-сон), билан тасдиқланган Божхона тўловлари классификаторига мувофиқ алоҳида божхона божлари турининг коди кўрсатилади.

Коди	Тўлов турининг номи
	8. Алоҳида божхона божлари
80	Махсус бож
81	Вақтинчалик махсус бож
82	Антидемпинг божи
83	Вақтинчалик антидемпинг божи
84	Компенсация божи
85	Вақтинчалик компенсация божи

36. Вақтинчалик алоҳида божхона божларини ҳисобини юритиш ва тўплаш учун Давлат божхона қўмитаси тўланган пул маблағлари ҳудудий божхона бошқармалари томонидан ўтказилиши учун ваколатли банкда алоҳида депозит ҳисобини очади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси алоҳида божхона божларини қўллаш тўғрисидаги қарорини қабул қилгунга қадар, вақтинчалик алоҳида божхона божлари давлат бюджетига ўтказилмайди ва истиқбол режани бажариш кўрсаткичларига қўшилмайди.

37. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан алоҳида божхона божларни қўллаш тўғрисидаги қарор қабул қилингандан сўнг, божхона тўловлари бўйича истиқбол режаларни бажариш кўрсаткичларига қўшилган ҳолда, вақтинчалик алоҳида божхона божлари бўйича илгари тўланган пул маблағлари давлат бюджети Ўзбекистон Республикаси бюджети даромадлар ва ҳаражатлар классификациясининг тегишли параграфига ўтказилади.

38. Алоҳида божхона божларини ундириш, ҳисобини юритиш ва давлат бюджетига ўтказиш, шунингдек улар бўйича ҳисоботни юритиш Давлат божхона қўмитасининг ҳудудий божхона бошқармалари томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги маълум қилади:
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг
умумий мажбурий тусдаги норматив ҳужжатларини давлат
рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2007 йил 8 сентябрдан 21 сентябргача бўлган маълумот

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. «Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2004 йил 23 январдаги 3-сон «Объектлар, қувватларни ишга тушириш ва уларнинг қурилишига киритилган инвестициялардан фойдаланиш тўғрисида ҳисобот» бўйича 1-қурилиш (йиллик) ва 1-қурилиш (чораклик) давлат статистика ҳисоботи шакллари тўлдириш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақидаги қарорини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги *Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2007 йил 25 августдаги 7-сон қарори.*

2007 йил 12 сентябрда 1314-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 22 сентябрдан кучга киради).

2. «Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2004 йил 23 январдаги 1-сон «Номолиявий активларга киритилган инвестициялар тўғрисида ҳисобот» бўйича 2-инвест (йиллик) ва 2-инвест (чораклик) давлат статистика ҳисоботи шакллари тўлдириш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақидаги қарорини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги *Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2007 йил 25 августдаги 2-сон қарори.*

2007 йил 12 сентябрда 1316-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 22 сентябрдан кучга киради).

3. «Ўзбекистон Республикасининг фуқаро ҳаво кемаларини давлат рўйхатидан ўтказиш қоидаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги *Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлигининг 2007 йил 13 августдаги 125-сон буйруғи.*

2007 йил 12 сентябрда 1239-2-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 22 сентябрдан кучга киради).

4. «Божхона юк декларациясини тўлдириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиш киритиш ҳақида»ги *Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2007 йил 3 сентябрдаги 01-02/15-26-сон қарори.*

2007 йил 13 сентябрда 834-14-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 23 сентябрдан кучга киради).

5. «Уюшган биржадан ташқари бозорда корпоратив қимматли қоғозлар олди-сотдисига доир битишувларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш марказининг 2007 йил 2 августдаги 2007-07-сон буйруғи.*

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.

2007 йил 18 сентябрда 1384-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 28 сентябрдан кучга киради).

6. «Давлат ва божхона ташқи савдо статистикаси маълумотларини йиғиш ва қайта ишлаш услубияти тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги *Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг 2007 йил 27 августдаги 11, 01-02/15-23, 31, ЭГ-01/10-4715-сон қарори.*

2007 йил 20 сентябрда 1717-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 30 сентябрдан кучга киради).

7. «Давлат ва божхона ташқи савдо статистикаси маълумотларини йиғиш ва қайта ишлашнинг ягона услубияти тўғрисидаги низомни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги *Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Давлат статистика қўмитасининг 2007 йил 31 августдаги 30, ЭГ-01/10-4716, 01-02/15-22, 12-сон қарори.*

2007 йил 20 сентябрда 530-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 30 сентябрдан кучга киради).

8. «Махсус, антидемпинг ва компенсация божларини ҳисоблаш, ундириш ва қайтариш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги *Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлигининг 2007 йил 15 июндаги 01-02/8-3, ЭГ-01/10-3339, 20, 58-сон қарори.*

2007 йил 20 сентябрда 1718-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 30 сентябрдан кучга киради).

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2004 йил 23 январдаги 3-сон «Объектлар, қувватларни ишга тушириш ва уларнинг қурилишига киритилган инвестициялардан фойдаланиш тўғрисида ҳисобот» бўйича 1-қурилиш (йиллик) ва 1-қурилиш (чораклик) давлат статистика ҳисоботи шакллари тўлдириш тартиби тўғрисидаги йўриқнома. *Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси томонидан тасдиқланган. (рўйхат рақами 1314, 17.02.2004 й.).*

Адлия вазирининг 2007 йил 12 сентябрдаги 178-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди. Буйруқ 2007 йил 12 сентябрда 1314-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 22 сентябрдан кучга киради).

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2004 йил 23 январдаги 1-сон «Номолиявий активларга киритилган инвестициялар тўғрисида ҳисобот» бўйича 2-инвест (йиллик) ва 2-инвест (чораклик) давлат статистика ҳисоботи шакллари тўлдириш тартиби тўғрисидаги йўриқнома. *Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси томонидан тасдиқланган. (рўйхат рақами 1316, 24.02.2004 й.).*

Адлия вазирининг 2007 йил 12 сентябрдаги 179-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди. Буйруқ 2007 йил 12 сентябрда 1316-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 22 сентябрдан кучга киради).

III. Адлия вазирлиги томонидан давлат рўйхатидан ўтказишнинг белгиланган тартибига зид равишда амал қилаётган норматив ҳужжатлар аниқланди:

1. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 1994 йил 30 декабрдаги 606-сон буйруғи билан тасдиқланган:

1. Туғилганлик ҳақида тиббий гувоҳномани тўлдириш ва бериш тартиби тўғрисида йўриқнома.

2. Ўлим ҳақида шифокор гувоҳномасини тўлдириш ва бериш тартиби тўғрисида йўриқнома.

3. Перинатал ўлим ҳақида шифокор гувоҳномасини тўлдириш ва ФХДЁ органларига тақдим этиш тартиби тўғрисида йўриқнома.

4. Ўлим ҳақида фельдшер хулосасини тўлдириш ва бериш тартиби тўғрисида йўриқнома.

5. Ҳомила (янги туғилган чақалоқ)нинг тирик ва вақтида (етилганлик) туғилганлик белгиларини аниқлаш тартиби тўғрисида йўриқнома.

6. Туғилган ва ўлганларнинг рўйхатга олишни ўз вақтида амалга оширилганлиги ва тўлиқлигини назорат текширувини ўтказиш тўғрисида йўриқнома.

Давлат рўйхатидан ўтказилмаган меъёрий ҳужжатлар кучга кирмаган ҳужжат сифатида ҳуқуқий оқибатларга олиб келмайди ҳамда тегишли ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш, ундаги кўрсатмалар бажарилмаганлиги учун фуқаролар, мансабдор шахслар, корхона ва ташкилотларга бирор-бир жазо қўллаш учун асос бўлиб хизмат қилмайди. Юқорида кўрсатилган меъёрий ҳужжат бўйича Адлия вазирлиги томонидан тегишли идорага ушбу ҳужжатни бекор қилиш ва ижродан чақириб олиш тўғрисида тақдимнома киритилди.

—

+